

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XALQ TA'LIMI VAZIRLIGI

**A.QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT
PEDAGOGIKA INSTITUTI**

“O'ZBEKISTON TARIXI” KAFEDRASI

“Himoya qilishga ruxsat beraman”
Tarix fakul'teti dekani
_____ dots.S.G'oziyev
“ _____ ” _____ 2011 y.

5140600-tarix yo'nalishi bo'yicha bakalavr darajasini olish uchun
“O'rta Osiyo xalqlarining milliy-hududiy chegaralanishi” mavzusida bajargan

BITIRUV MALAKAVIY ISHI

Bajaruvchi: Siddiqov Shuxrat

Ilmiy rahbar: t.f.n.dots.A.Pardayev

Ishni himoyaga tavsiya etaman:

t.f.n.dots.A.Pardayev

BMI “O'zbekiston tarixi” yig'ilishi qarori bilan
(Qaror №13. 28.05.2011 y) himoyaga tavsiya
etilgan.

Kafedra mudiri:

t.f.n.dots.A.Pardayev

Jizzax – 2011

Mavzu: O'rta Osiyo xalqlarining milliy-hududiy chegaralanishi

Reja:

Kirish

I-BOB: O'rta Osiyoda milliy-hududiy chegaralanishning maqsad va vazifalari

- 1.1.Turkistonda milliy-hududiy chegaralash siyosati arafasida milliy madaniyat va ma'naviyatning ahvoli.
- 1.2.Mustabid tuzumning milliy – hududiy chegaralash siyosatining maqsad va mohiyati

II-BOB. O'rta Osiyoda Sovet respublikalarining tashkil topishi

- 2.1.Turkiston, Xorazm va Buxoroda milliy – hududiy Sovet respublikalarining tashkil topishi
- 2.2.O'zbekiston Sovet Sotsialistik Respublikasining tashkil topishi
- 2.3.“O'rta Osiyo xalqlarining milliy-hududiy chegaralanishi” mavzusini o'rgatishda yangi pedagogik texnologiyalardan foydalanish

Xulosa:

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

Mundarija:

Кириш

Яқин ўтмишимизнинг собиқ совет ҳокимияти ҳукмронлик қилган даври (1917—1991 йиллар) мамлакатимиз тарихида ўзига хос ўрин эгаллайди. Бу давр, гарчи тарихан қисқа бўлсада, лекин ўзининг мураккаблиги ва зиддиятлилиги билан ажралиб туради. 1917 йил октябрида большевиклар зўрлик билан амалга оширган тўнтариш собиқ Иттифоқ халқлари, шу жумладан, Ўзбекистан халқлари тарихида салкам 75 йил давом этган янги мустамлакачилик саҳифасини бошлаб берди. Натижада чор мустамлакачилик империяси ўрнини «қизил империя» эгаллади. Янги мустамлакачилик зулми остида яшаган ўлка халқлари большевиклар «социалистик тажрибаси»нинг барча машъум мушкулотларини бошдан кечирдилар. Энг ачинарлиси шундаки, республикадаги ижтимоий-сиёсий тарихий жараённинг ута мураккаб ва зиддиятли кечиши кўплаб қурбонлар берилишига, маданий ва маънавий йўқотишларга олиб келди¹.

Октябр тўнтаришидан кейин Ўзбекистоннинг Туркистон ҳудудида бўлган анчагина қисми Туркистон Автоном Республикаси сифатида РСФСР таркибига кушиб олинди. 1924 йилда зўраки ўтказилган миллий-ҳудудий чегараланиш натижасида Ўзбекистан ССР ташкил топиб, ССР Иттифоқи таркибига киритидди. ССР Иттифоқи ўз моҳиятига кўра унитар (қўшма) давлат эди. Оқибатда Ўзбекистан тўла-тўқис Москвага қарам бўлиб қолди. Ўзбекистан ССР фақат номигагина мустақил эди. Республиканинг раҳбар органлари Компартия Марказий Қўмитаси МЮ ва Иттифоқ ҳукумати томонидан тайинланар, бинобарин, уларга бўйсунарди. Улар республика ва унинг халқлари манфаатлари эмас, балки Марказ манфаатлари йўлида сиёсат юргизишга мажбур эдилар. Ўзбекистон халқларининг суверен ҳуқуқлари асосида уларнинг туб манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ватанпарварлик кайфиятидаги миллий раҳбарларнинг чиқишларини мустабид тузум ғоят қатъиятлик билан барҳам топтирарди.

¹ Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида. Иккинчи китоб. Т., “Шарқ”, 2000. 3-бет.

Мустабид тузум Ўзбекистонни Марказ таркибидаги мустамлака сифатида ўз исканжасида доимий сақлаб қолиш ва уни метрополиянинг ҳам ашё базаси ва маҳсулот бозори сифатидаги ҳолатини янада мустаҳкамлашга интилди. Бундай сиёсат оқибатида республиканинг иқтисодий ривожланиши бир томонлама кечди, унинг қишлоқ хўжалиги тобора кўпроқ пахтачилик йўналишига эга бўлиб борди, шу алфозда пахта яккахокимлиги қарор топди. Ўзбекистон саноати асосан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжларига хизмат қилишга йўналтирилган эди. Саноатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига дастлабки тарзда ишлов берадиган тармоқлар асосий ўринни эгалларди. Республика ҳам ашёсининг пировард маҳсулоти Иттифоқ саноат марказларида ишлаб чиқарилар, бинобарин, фойданинг асосий қисми ҳам ўша ерда қоларди.

Марказнинг Ўзбекистондаги мустамлакачилик сиёсати республиканинг маданий ривожига ҳам ўзининг яққол ифодасини топди. Гарчи бу соҳада бирмунча ижобий силжишларга эришилган бўлсада, ўлка халқларининг маънавий ҳаёти тўла-тўқис ўз даврининг ҳукмрон мафкўраси ва сиёсати таъсирига олинди, байналмилаллик ниқоби остида республикани руслаштиришга интилиш рўй берди. Ўзбек халқининг миллий маданий қадриятлари, бой маънавий мероси, унинг қадимий эзгу анъана ва урф-одатлари унўтилди. Ислом дини, унинг қадриятлари оёқости қилинди, ўзбек тили иккинчи даражали тилга, рус тили эса давлат ва асосий муомала тилига айлантирилди.

Дарвоқе, Марказнинг бундай мафкўра сиёсати туфайли халқимиз ҳаётининг барча соҳаларига путур етказилганлигини таъкидлаш баробарида республика тарихий ўтмишининг совет даврида ҳам бир катор ижобий ишлар қилинганлигини айтиб утмаслик ноҳолислик бўлур эди. Зеро, ўша йилларда халқимизнинг фидокорона меҳнати билан кўплаб завод ва фабрикалар курилди, миллионлаб гектар янги ерлар узлаштирилди, катта-катта каналлар қазилди, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника негизи мустаҳкамланди, унинг маҳсулотлари хажми ортди. Унларча олий ва ўрта махсус ўқув юртлари очилди, уларда халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун

мутахассислар тайёрланди, умумтаълим мактаблари ва хунар-техника билим юртларининг кенг тармога ташкил этилди, кўпгина маданий-маърифий муассасалар барпо қилинди. Натижада аҳолининг таълимий ва маданий савияси ошди. Тўғри, бу ютуқларнинг барчасига мустабид тузум даврида айтиш одат бўлиб қолган «партиянинг доно сиёсати» туфайли эмас, балки халқимизнинг садоқатли, фидокорона меҳнати туфайли эришилди.

Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, огир ва ма-шаққатли меҳнатлар эвазига яратилган ана шу моддий бой-ликлар ўзбек халқи, унинг фаровонлиги учун хизмат қилмади. Аксинча, бу моддий-маънавий бойликлар ўзбек халқиди камситиш, миллий гурўрини оёқости қилиш, узлигини унуттириш, коммунистик мафкўрани янада кучайтириш учун хизмат қилди. Ўзбекистон ҳудудида бунёд этилган корхоналар (айниқса, кимё комбинатлари), керагидан ортиқ ўзлаштирилган куриқ ва бўз ерлар, қазилган каналлар, курилган сув омборлари республиканинг экологик аҳволини мураккаблаштирди, Орол денгизининг куриб боришини тезлаштирди, деҳқончилик ерлари таркибини ўзгартириб юборди, атроф муҳитни, ичимлик сувини заҳарлади. Модомики шундай экан, Совет давлати «экспериментлари» натижасида барча халқлар бошига тушган фожиалар ва кулфатларни, мустабид тузум, ҳукмрон партия томонидан совет халқларига қарши олиб борилган зўравонлик ва ғайриинсоний сиёсатни ҳеч қачон оқлаш мумкин эмас².

Ха, Ўзбекистон халқларининг деярли чорак кам бир аср мобайнида босиб ўтган анча мураккаб ва зиддиятли тарихий йўлини бир ҳилда баҳолаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам советлар даврини ҳақиқатда қандай кечган бўлса, уни шундайлигича: барча ижобий ва салбий жиҳатлари, парвозларию таназзуллари, тарихий жараённинг барча ўниқир-чўнқирликларини назарда тўтган ҳолда тадқиқ этиш лозим бўлади. Зеро, бу даврни мустабид совет

² Ўзбекистон тарихи. (1917-1993 йиллар). 9-синф учун дарслик.Т., 1994, 342-бет.

тузуми ёки «доно партия» тарихи сифатида эмас, балки бунёдкор, фидокор халқимиз тарихи сифатида ўрганиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президента И.А.Каримов «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига берган жавобларида мустабид совет тузуми даврига муносабат билдирар экан: «Биз шу пайтгача кўпроқ эски тузумни танқид қилиш, уни инкор этиш билан банд бўлди Албатта, бошимиздан кечирган мудҳиш ва мустабид турмушнинг бутун асоратларини англаб етиш, йўлимизни тўғри белгилаб олиш учун истиқлолнинг дастлабки йилларида бу биз учун албатта зарур эди. Аммо фақат ўтмишни ёзгириш, инкор этиш билан узоқда бориб бўлмайди...

Шу боис бугун биз ота-боболаримизга... сунъий ранглар билан ажратиб баҳо бермаслигимиз, балки уларнинг ҳаётини, улар яшаган даврнинг моҳиятини тўғри тушунишга ҳаракат қилишимиз лозим», деб таъкидлаган эди. Модомики шундай экан, ҳис-ҳаяжонга берилмасдан, мустабид сиёсий тузум тарихи билан халқимиз тарихини ажрата билишимиз, уни ҳолисона илмий асосда ёритиш зарур³.

Тарих фани мустабидчилик даврида Ўзбекистоннинг совет даврини (1917—1991 йиллар), республикамиз давлат мустақиллигини қўлга киритгунга қадар бўлган тарихини ўрганиш борасида муайян ишларни амалга оширди. Тарихчи олимларнинг саъй-ҳаракатлари билан, ўша давр нуқтаи назаридан, катта миқдордаги тарихий манбалар тупланди, улар бир тизимга солиниб, илмий жиҳатдан умумлаштирилди. Бироқ, бу асарлар жамиятшуносликда ҳукмрон қўмитаси МЮ ва Иттифоқ ҳукумати томонидан тайинланар, бинобарин, уларга бўйсунарди. Улар республика ва унинг халқлари манфаатлари эмас, балки Марказ манфаатлари йўлида сиёсат юргизишга мажбур эдилар. Ўзбекистон халқларининг суверен ҳуқуқлари асосида уларнинг туб манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган

ватанпарварлик кайфиятидаги миллий раҳбарларнинг чиқишларини мустабид тузум ғоят қатъиятлик билан барҳам топтирарди⁴.

⁴ Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида. Иккинчи китоб. Т., “Шарқ”, 2000. 4-бет.

I-БОБ: Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланишнинг мақсад ва вазифалари

1.1. Туркистонда миллий-худудий чегаралаш сиёсати арафасида

миллий маданият ва маънавиятнинг аҳволи

20-йилларнинг бошида Туркистонда маданий курилиш ишлари халқ хўжалиги вайрон бўлган ва большевиклар атайлаб бошлаб берган синфий кўраш кескинлашган мураккаб шароитда олиб борилди. Бу даврда Туркистон маданий ҳаёти ўзига⁵ хос зиддиятли, бир-бирини инкор этувчи, салбий ва ижобий ҳолатларнинг ўзаро кўраши тарзида намоён бўлди. Шунинг учун ҳам бу даврдаги маънавий-мафкўравий ҳолат Туркистонда ўша йилларда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳаларда рўй бераётган мураккаб жараёнларнинг мантиқий ўхшашлиги билан ҳамоханг бўлган эди.

Большевиклар яккаҳокимлиги тикланиб бўлингач, бу босқич маънавий ҳаётда большевикча «янги» билан маҳаллий ва миллий тарздаги «эски» ўртасидаги беомон кўраш асосида тавсифланди. Чор ҳукумати сиёсатига монанд равишда советлар амалга оширган маданий сиёсатнинг устивор йўналиши миллат, миллий ўзлигини англашнинг муҳим шарти бўлган маданиятни йўқ. қилиш, айниқса, унинг миллий сифатларини қутқариб ташлашга қаратилган эди. Мақсадга эришиш учун совет тузуми ўртанилган дастлабки куниданоқ большевиклар партияси ягона, танҳо ҳукмрон партияга айланишни таъминлаш, большевизмга ёт бўлган барча назария ва ғояларга қарши кўрашиш, уларнинг таъсирини йўқотишга қаратилган сиёсатни олиб борди. Уларнинг бундан кўзлаган асосий мақсади тубида эса, сиёсий манфаатлар ётарди. Бу манфаатлар болышевизмнинг ҳақиқий санъат намуналарини яратишдан кўра маданият ходимларини ҳукмрон мафкуранинг содиқ солдатларига айлантиришга қаратилган кейинги сиёсатида, айниқса, яққол кўринди.

Бироқ., шу нарсани таъкидлаш лозимки, ҳали 20-йилларнинг бошларида маданият ва санъат соҳасида, умуман барча соҳаларда нисбатан, маълум даражада бўлсада, ижодий эркинлик ҳукм суларди, маъмурий-буйруқбозлик тизими эса эндигина шаклланаётган эди.

Совет давлатининг Туркистон халқлари саводсизлигини тугатиш, мактаблар қуриш, мутахассис ходимлар тайёрлаш, маданият, санъатни ривожлантиришга бағишланган тадбирлари, маҳаллий миллий манфаатларни кўзлаб эмас, балки маданий-маърифий воситалар асосида ўлка аҳолисининг «коммунисток руҳда» қайта тарбиялаш ва социализмнинг «одобли» мутахассис кадрлари қилиб етиштиришга қаратилган эди. Мақсад барча ёшдаги аҳолини саводсизлигини тугатиш билан бир қаторда уларга ёппасига «коммунизм алифбоси»ни ўргатишдан иборат эди. Шунинг учун ҳам саводсизликни тугатиш маданий қурилишнинг муҳим вазифаси сифатида қаралди. 1921 йил ноябрда Туркистон АССР ХКК республика аҳолиси орасида саводсизликни тугатиш тўғрисида декрет чиқарди. Декретга биноан, саккиз ёшдан қирқ ёшгача бўлган саводсиз фуқароларнинг ҳаммаси давлат мактабларида ва саводсизликни тугатиш курсларида ўқитилиши лозим эди. 1921 йилнинг охирида биргина Тошкент шаҳрининг ўзида 100 та саводсизликни тугатиш мактаблари иш бошлади. Айти пайтда Туркистон Республикаси бўйича 1000 дан ортиқ саводсизликни тугатиш мактаблари, турли тўғарақлар фаолият кўрсатаётган эди⁶.

1923 йилда Туркистон АССР Маориф халқ комиссарлиги ҳузурида саводсизликни тугатиш билан шуғулланувчи ўлка фавқулодда комиссияси тузилди. Шундай комиссиялар маҳаллий советларнинг халқ маорифи бўлимлари ҳузурида ҳам ташкил этилди. Республикада амалга оширилаётган ҳар бир тадбир, албатта Россия андозаси асосида қилинар эди. Жумладан, РСФСРда «Битсин саводсизлик» жамияти тузилиши билан, бундай жамиятлар Туркистон Автоном Республикасида ҳам ташкил этилди. Жамият аҳолининг саводсизлигини тугатиш борасида «ҳафталиклар», «ойликлар»

⁶ Ўзбекистон тарихи. (1917-1993 йиллар). 9-синф учун дарслик. Т., 1994, 332-бет.

ўтказиб турди. Натижада саводсизликни тугатиш мактаблари сони ўлкада муттасил равишда ортиб борди. 1924 йилга келиб Туркистондаги мавжуд мактабларда 10200 киши саводини чиқарди.

Совет ҳукумати саводсизликни тугатиш учун олий ўқув юртларидаги ва ишчи факультетларидаги талабаларни сафарбар қўяди. Шу билан бирга, ўлкада саводсизликни тугатиш учун махсус ходимлар тайёрлашга ҳам эътибор берилди⁷.

Умумий таълим мактабларини ташкил қилиш оммавий тус олди. Уларнинг сони кун сайин ортиб борди. 1924 йилнинг бошида, Туркистон Автоном Республикасида расмий рўйхатгаолинган мактаблар сони қарийб 1100 тага етди. Лекин бу мактабларнинг ҳақиқий аҳволи анча оғир эди. Чунки, мактабларни ташкил қилиш ҳеч қандай режасиз, маблағсиз, ўқув анжомларисиз палапартиш суратда олиб борилди. Кўп ҳолларда ташкил қилинган мактаблар қуруқ бинодан (бинолар ҳам кўпинча мактаб учун яроқсиз эди) иборат бўлиб, улар зарур жиҳозлар, ўқув воситалари ва қуроллари билан умуман та-минланмаган эди.

Маориф тизимини пул маблағи билан таъминлаш масаласи ҳам жуда оғир кечди. Хусусан, 1922 йилнинг апрел-декабр ойларида мактаб учун зарур маблағнинг учдан бир қисмигина берилди, ҳолос. Вазиятнинг мураккаблиги туфайли ҳалқ маорифи тизими раҳбарлари ҳукуматдан қатъий равишда бюджет маблағини оширишни талаб қилдилар ва акс ҳолда «ўз ўринларида ишлаш ва масъулиятни ўз бўйинларига олишга маънавий ҳақлари йўқлигини» таъкидладилар. Чунки маориф ходимларига белгиланган иш ҳақи бошқа соҳа ходимларига тўланадиган иш ҳақидан анча кам эди. Масалан, ҳалқ хўжалигининг бир қатор тармоқлари ходимлари учун ўртача иш ҳақи 30 сум белгиланган ҳолда, ҳалқ маорифи соҳасида бу рақам 12 сўмга аранг етарди. Бунинг устига вақф мулкларига нисбатан давлат сиёсатининг ўзгариши оқибатида улардан олинадиган даромаднинг давлат ҳазинасига

тушмаслиги, ҳалқ маорифи учун ҳар йили олинадиган 22 млн. сўм маблағдан маҳрум этди.

Туркистондаги олий ўқув юртлар ҳалқ хўжалигининг турли соҳалари учун мутахассислар тайёрлаш билан бир қаторда ҳалқ маорифи мактаблари учун ҳам малакали педагоглар тайёрлашга жалб қилинган эди. Шу мақсадда Ўрта Осиё Давлат Университети қаршида махсус педагогика факультети очилди. Лекин бу факультет бир йил ишлар-ишламас ёпиб қўйилди ва Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтга ташкил этилгунга қадар, республикада ўқитувчи кадрларни тайёрлаш мушкул муаммолардан бири бўлиб қолаверди. Яна энг муҳим муаммолардан бири шу эдики, олий ва махсус ўқув юртларига қабул қилинган ёшларнинг аксарияти русийзабон талабалар эди. Масалан, 1923—24 ўқув йилида Ўрта Осиё Давлат Университетига ўқишга кирган 2047 талабадан фақат 51 нафаригина маҳаллий миллат ёшларидан эди, ҳолос. 1924/25 ўқув йилида бу университетда 2440 талаба ва ишчилар факультетида 889 ёшлар таълим олди.

Совет даври тарихий адабиётларида Ўзбекистонда гуё маҳаллий миллат вакилларида зиёлилар бўлмаганлигидан, фан, маориф, маданият асосан рус миллатига мансуб зиёлилар ҳисобига ривожланганлиги тўғрисида турли асарлар ёзилди. Бироқ, ҳаққоний тадқиқотлар шундан далолат берадики, 1921—1924 йилларда XIX асрнинг охирлари — XX аср бошларида пайдо бўлган жадиличиликнинг буюк маърифатчилик ҳаракати таъсирида шаклланган юзлаб, минглаб туркистонлик маҳаллий миллат вакиллари маънавият ва маориф жабҳаларда фаолият кўрсатганлар. Ана шу миллатпарвар зиёлилар совет тузумининг дастлабки йилларида большевиклар зулумига қарамасдан миллатни маърифатли қилишга ҳаракат қилдилар.

Масалан, Тошкентнинг Хадра мавзесида жойлашган Навоий номидаги таълим-тарбия техникумида фаолият кўрсатган Мунаввар Кори, Шорасул Зуннун, Кдум Рамазон, Шохдд Эсон, Маннон Рамз, Зиё Сайд, Усмонхўжа, Муродхўжа, Салимхон, Маҳмудхўжа, Каримжон каби маърифатпарвар

зиёлилар миллатнинг саводини чиқариш, уларни миллий уйғотиш борасида жиддий ишлар олиб бордилар.

1923 йилда ушбу техникумда «Мафкура майдонида кураш» мавзуида маъруза уюштирилади ва унда Мунаввар Қори танқид қилиниб, жадиidler бойлар малайи сифатида талқин этилади. Сўзга чиққан Мунаввар Қори «Жадиidler янгилик тарафдорлари, халқ болаларини илмли, маърифатли қилишда жонимиз, молимизни аямадик. Тез ва осон илм бериш йўлларини қўлладик. Илгариги қўлланилган усуллар ўрнига янги усул қўллаб, тез саводли ва билимли қила бошлаганимиз учун бизларни янгичилар, яъни жадиidler деб аташди. Бу ишимизни амалга оширишда турли кимсалар ёрдам беришди. Моддий ёрдамни бойлар берди. Бу ёрдамларни ўқитув ишларига, китоб чиқариш, жой таъмирлаш каби ишларга сарфладик. Бу ишимизга раҳмат ўрнига «бой малайи» дейиш биз учун ҳақорат», деб қатъий жавоб берган эди.

Совет ҳукумати Туркистон халқларини «социалистик қурилиш»га кенг жалб қилиш мақсадида, маҳаллий ёшлардан партия-совет ходимлари тайёрлашга катта эътибор берди. Мақсад, маҳаллий аҳоли орасидан большевикча режимни қўллаб-қувватлайдиган, совет тузумининг ишончли «қатлами»ни тарбиялашдан иборат эди. Шу мақсадни амалга ошириш учун 1923 йилда асосий ва тайёрлов курсларини ўз ичига олган икки курсдан иборат Туркистон Коммунистик университети (САКУ) иш бошлади. Шу билан бир қаторда туркистонда 2 та марказий, 5 та вилоят ва 5 та уезд партия-совет мактаблари ҳам ишламоқда эди. Бўларда ўқиётган 1312 тингловчининг 10%и хотин-қизлар эди⁸.

Москвадаги Шарқ меҳнаткашлари коммунистик университетида эса, 1923 йилнинг кузида 77 нафар Туркистонлик ёшлар таълим олди. Улардан ўзбеклар 24, туркманлар 24, қозоқлар, қирғизлар 29 киши эди.

Туркистон ўлкаси қадимдан маданият ўчоғларидан бири бўлганлиги, унинг ҳудудида бебаҳо тарихий ва маданий ёдгорликлар мавжудлигини

⁸ Ўзбекистон тарихи. (1917-1993 йиллар). 9-синф учун дарслик. Т., 1994, 335-бет.

ҳисобга олиб, уларни сақлаш ва ўрганишга эътибор қаратилди. Бу борадиги баъзи ишлар феврал инқилобига қадар «археологлар жамияти» ва баъзи олимларнинг шахсий ташаббуси билан амалга ошириб келинган эди. 1921 йилда тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва ўрганиш иши бўйича Туркистон қўмитаси (турккомстарис) ташкил қилинди ва бу муҳим ишга давлат мақоми берилди. Қўмита, дастлаб ўлкадаги барча тарихий ва маданий ёдгорликларни ҳисобга олиш, ахволини ўрганиш ишлари билан шуғулланди ва Самарқанд, Фарғона, Бухоро, Хива, Марв ва Пишпек шаҳарларида ёдгорликларни сақлаш ва ўрганиш бўйича махсус комиссиялар ташкил қилди. Туркистон кумитаси 1921—1924 йиллар давомида Туркистондаги илмий муассасалар ва Петербург, Москва олимлари иштирокида тарихий ва маданий ёдгорликларни ўрганиш ва муҳофаза қилиш масаласида 19 та илмий экспедиция уюштирди. Туркистон Автоном Республикаси Маориф комиссарлиги тузилиши (1918 й.) биланоқ унинг қошида «Туркий шуъба» ташкил қилинган эди. Бу шуъба 1920 йили «Илмий бўлим» номи билан иш юритди. 1921—1922 йилларда «Илмий Кенгаш», 1922—1924 йилларда эса «Давлат Илмий Кенгаши» деб аталди. «Илмий Кенгаш» ҳузўрида «Музика-этнографик билим хайъати», «Ўзбек билим хайъати», «Театр-этнографик билим хайъати» ҳамда «Этнографик билим хайъати» бўлган. Элбек раиси бўлган «Ўзбек билим хайъати» таркибида Р.Юнусов, К.К.Юдахин, Е.Д.Поливанов, Р.Зафарий каби олим ва ёзувчилар бўлиб, уларнинг асосий вазифаси янги мактаблар учун ўзбек тилида дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар ва илмий-оммабоп асарлар яратиш эди. «Хайъат» миллий фольклор намуналарини тўплаш ва чоп этиш, ўзбек тилининг имло қоидаларини ишлаб чиқиш ва янги ўзбек адабий тилининг шаклланишида фаол иштирок этди.

Ўрта Осиё Давлат университети ва Россия олимлари ҳамкорлигида Ўрта Осиё ўсимликларини ва тупроғини ўрганиш, шунингдек, гидрогеология ва гидротехника соҳалари бўйича илмий тадқиқотлар бошлаб юборилди. Шифокор олимлар эса, Туркистон ҳудудида пайдо бўлган безгак ва болалар

орасида тарқалган чечак касалликларига қарши илмий-изланишлар олиб бордилар. Туркистон халқларининг иқтисодий тарихини ва қадимий маданиятини ўрганиш борасида ҳам дастлабки қадам қўйилди.

Большевикларнинг «маданий қурилиш» стратегияси ўз олдига Туркистон халқлари онгидан «эскилик сарқитлари»ни сиқиб чиқариш ва унинг ўрнига «янги маданият»ни сингдириш баҳонасида асосан «коммунисток тарбия»ни амалга оширишни мақсад қилиб қўйган эди. Шунинг учун Туркистон компартияси омма орасида коммунистик ташвиқот ва тарғиботни авж олдиришга катта аҳамият берди. Туркистон КП VIII съезди (1924 й. май) қарорида: «Туркистон коммунистик партияси маданий-тарбиявий, пропаганда ишларини партиялилар оммаси онгига коммунизм принципларини, марксизм-ленинизм назариясини сингдириш, аниқ шакланган ташкилот тузиш, ҳамда уни партия программаси ва тактикасининг элементлари, ташкилий принциплари ва асослари билан таништириш мақсадини кўзлаб олиб бориши зарур», деб таъкидланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Туркистонда ташкил қилинган барча маданий-оқартув муассасаларининг ижтимоий ўрни ва роли партия VIII съезди қарори асосида белгилаб берилди ва бу муассасалар зиммасига дунёнинг биронта мамлакатада бўлмаган вазифа юкланди. Натижада, маданий-оқартув муассасалари кенг халқ оммасини сиёсий-ғоявий жиҳатдан тарбиялаш, уларда большевистик ақидаларга нисбатан ишончни шакллантириш ва шу йўл билан ҳукмрон большевикларнинг сиёсий-ғоявий мавқеини мустаҳкамлаш ишига сафарбар қилинди⁹.

Шунинг учун ҳам маданий-оқартув муассасалари фаолиятида сиёсий-ғоявий, большевикларга хос гегемончилик хусусиятига эга бўлган иш шакллари устивор аҳамият касб этди. 20-йиллар бошларида ташкил этилган «Қизил Шарқ» ташвиқот поезде, «Қизил карвон» ва «Қизил арава» ташвиқот гуруҳдари, «Ташвиқот поездлари», шунингдек, ташкил этилаётган агит

⁹ Ўзбекистон ССР тарихи. Т. III. – Т., 1967, 363-364 бетлар.

пунктлар, кўргазмали ташвиқотлар, варақалар, мурожаатномалар, ёдномалар, сиёсий плакатлар, «жонли газеталар», бадий-сиёсий публицистик, сатирик чиқишлар — бўларнинг барчасидан кўзланган мақсад маданий-оқартув ишлари орқали совет ҳукумати хайрихоҳларини кўпайтириш, большевикларнинг афсонавий ғояларига ишонтириш эди.

Маданий-оқартув муассасалари ўз фаолиятларида турли хил ноанъанавий, маҳаллий халқ руҳиятига мос келмайдиган тадбирлар ҳам ўтказар эдилар. Масалан, «янгича турмуш» рукни остида ўтказилган қатор тадбирларда европача турмуш тарғиб қилиниб, ўзбекона урф-одатлар, оилавий муносабатлар ва диний маросимлар «хурофот» деб тарғиб қилинди. «Янги турмуш» рукнидаги тадбирлар кўпроқ эркаклар ва хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлиги, аёлларни «озодлик»ка чиқариш ва янгича муносабатларни шакллантиришга қаратилган бўлиб, асрлар давомида шаклланган оилавий муносабатлар масаласида маҳаллий халқ орасида бир қатор тушунмовчиликларни юзага келтириши табиий эди.

Шунга қарамасдан, маданий-оқартув ишлари шу руҳда янада кенгрок ривожлантирилди. 1924 йилнинг майида Туркистон Автоном Республикасида ишлаб турган кутубхоналар сони 132 тага, клублар 21 тага, қизил чойхоналар эса, қарийб 200 тага етган эди. Кўпгина корхоналарда ва қишлоқларда «қизил бурчаклар» ташкил қилинди. Ҳар бир номга «қизил» сузини ишлатиш билан маданият соҳалари дастлабки кунданок мафкура измига олинди, «қизил»нинг моҳияти ва қудратини халқ онгига мунтазам сингдириб боришга ҳаракат қилинди.

Туркистонда алоҳида хотин-қизлар клубларини ташкил қилишга кенг эътибор берилди. Биринчи хотин-қизлар клуби 1924 йилда Тошкентнинг эски шаҳрида очилди. Дастлаб бу клубга 250 маҳаллий хотин-қизлар жалб қилинди. 1924 йилнинг иккинчи ярмида хотин-қизлар клублари Самарқанд, Қўқон, Фарғона, Марғилонда ва бошқа бир қатор шаҳарларда ташкил қилинди.

Қишлоқларда «деҳқонлар уйи», улар ҳузўрида кизил бурчаклар очилди, кизил бурчаклар хотин-қизлар клуби вазифасини бажарди. Хотин-қизлар клублари ҳузўрида болалар ва оналарга тиббий маслаҳат ва тикувчилик шуъбалари ташкил этилди. Уларда болаларни қандай тарбиялаш, хотин-қизлар гигиенаси тўғрисида маслаҳатлар бериб борилди.

Хотин-қизлар орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини асосан европалик русийзабон аёллар олиб борарди. Бу билан улар маҳаллий хотин-қизлар орасида европача кийинишни, европача юриш-туришни ва муомалани жонли равишда намоёиш қилишар ва шу йўл билан улар янгича маданиятни ёйишга ҳаракат қилардилар.

20-йилларнинг ўрталарида ўлкада ташкил топган маданий муассасалар Туркистон маданий ҳаётида аста-секин муҳим ўринга эга бўла бошлади. Маданий муассасалар қошида бадиий ҳаваскорлик таркиб топди. Ҳаваскор санъаткорлар профессионализм сари айнан ана шу муассасалар даргоҳида дастлабки қадамни қўйдилар. Шу йилларда Маннон Мажидов (УйБур) Тошкентда драма труппасини ташкил этди. Ушбу труппада Мухиддин Кориёкубов, Аброр Хидоятлов, Етим Бобожонов ва бошқалар иштирок этдилар¹⁰.

Ўзбек театри биринчи марта Туркистонда рус театр санъати таъсирида пайдо бўлди. 1924 йилда, бундай театрлар Тошкент, Самарқанд, Қўқон ва бошқа шаҳарларда бор эди. Ўша йилларда театр ташкил қилиш, уларда ишлаш учун санъаткорларни, айниқса, хотин-қизларни жалб қилиш катта жасорат талаб қилар эди.

Ўзбек миллий қўшиқчилик санъати ҳам ўзига хос тарзда, миллийлик-анъанавийлик ҳамда совет ҳукуматининг «маданий инқилоб» сиёсати жабҳаларида намоён бўлди. 1920 йилнинг бошидан Ўзбекистонда миллий мусиқа асбобларида чалишни ўргатадиган махсус мактаблар очилди. Бироқ бу мактаблар европача услубда бўлиб, ўқувчиларга нота тизими, ҳамда европа мусиқа назарияси ўқитиларди. Хусусан, Тошкентнинг Эски шаҳар

¹⁰ Ўзбекистон тарихи. (1917-1993 йиллар). 9-синф учун дарслик. Т., 1994, 339-бет.

қисмида ташкил этилган махсус ўзбек ўқувчилари учун миллий мусиқа мактабида, скрипка синфида Дружинин, Карин-Каро, Дробничек, Пекарский, фортепиано синфида Карцева, Петлина, Кастальская, Кублицкая, Загурская, Даманская, вокал синфида Власов, Вайн, Карелин, мусиқа назарияси бўйича Миренов, Романовская, Якубовский, Кулябко-Карельский ва бошқалар дарс берар эдилар. Кўриниб турибдики, ўзбек миллий мусиқа мактабида на бирорта ўзбек миллий мусиқаси ўргатиладиган синф, на бирорта маҳаллий миллат вакилидан мусиқа ўқитувчиси бор эди.

1921—1924 йилларда Туркистондаги маориф институтларида ҳам мусиқа дарси мажбурий предмет сифатида ўқитиш бошланди. Бироқ бу институтларда ўқув режалари асосан рус билим юртлари учун мўлжалланган тарзда тузилган бўлиб, асосий предметлар нота саводи, рус мусиқа назарияси ва тарихи, инқилобий мазмундаги рус хоридан иборат эди. Фарғонада 1921/22 ўқув йилида фаолият кўрсатган миллий профессионал мусиқачилар тайёрлаш мусиқа мактабида 7 та синф бўлиб, улар: фортепиано, скрипка ва альт, виолончель, контрабас, духовой асбоблар, хор синфи ва халқ куйлари эди. Шу асосда ўзбек миллий мусиқа маданиятини «шиддат» билан четлаштирилиб, унинг ўрнига «байналмилал» ниқоби остида рус музикаий маданиятини киритиш дастлабки йиллардаёқ бошланган эди.

20-йилларнинг бошларидан бошлаб, Туркистонда адабий ҳаракат ташкилий асосга эга бўлиб борди. 1919 йилда Фитрат ташаббуси билан тузилган «Чигатой гурунги» ташкилоти адабий ҳаракатга муайян йўналиш берди ва ўз атрофига шу даврнинг аксар истеъдодли намояндаларини тўплади. Аммо бу ташкилотнинг нафақат катта ижодий, балки сиёсий-ижтимоий кучга эга бўлиб бораётганини кўрган ёш Совет давлати 1921 йилнинг охири — 1922 йилнинг бошларида унинг фаолиятига нукта қўйди.

1921 йилда Туркистон Республикаси Маориф халқ комиссарлиги қошида адабиёт, тил ва имло масалалари бўйича ташкил қилинган «Ўзбек билим ҳайъати» «Чигатой гурунги»нинг собиқ аъзолари томонидан тайёрланган

«Ўзбек ёш шоирлари» тўпламини 1922 йилда чоп эттирди. Фитрат ана шу тўпламга киритилган шеърларнинг бирини «Миррих юлдузи»га деб атади. Миррих Европа халқлари тилларида Марс деб аталади. Марс эса, юнон мифологиясига кўра, уруш худосидир. Фитратнинг ана шу Миррих юлдузига мурожаат этиши тасодифий эмасди. Унинг назарида ерда болшевиклар туфайли рўй бераётган турли воқеалар олдида Миррихдаги воқеалар ҳолва эди. Бу шеър 20-йилларда Туркистонда рўй берган қонли воқеаларга нисбатан Фитратнинг фаол муносабати, унинг Туркистонга экспорт қилинган инқилобни қоралаши ва рад этиши эди. Чўлпон Фитрат бошлаган фoш этувчи шеърият анъаналарини давом эттириб, шу йили «Бузилган ўлкага» шеърини ездди. Ёш Совет давлатининг мустамлакачилик сиёсатини кескин қоралаган бу шеър айна пайтда болыевизмга қўйилган айбнома ҳам эди.

Маълумки, 1920 йилнинг март ойида марказдан Тошкентга «Қизил Шарқ» поезди келган. Бу поезднинг асосий мақсади Совет давлати фойдасига тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш, бошқача айтганда, Туркистонни секин-аста советлаштириш бўлган. Кейинчалик ҳам бундай поездлар ўзбек тупроғига кўплаб юборилди. Фитрат, Сайдали, Чўлпон, Элбек каби шоир ва олимлар ана шу агитпоездлар ёрдамида Туркистон халқларини советлаштириш ва руслаштириш жараёни куч олиб боришини ўша вақтдаёқ тушуниб етган эдилар. Шунинг учун ҳам улар ўз ижодлари билан Совет давлати олиб борган сиёсатнинг мустамлакачилик моҳиятини фoш этишга алоҳида эътибор берган эдилар.

Туркистондаги моддий ва маънавий маданият бойликларини совуриб мустамлака кишанларини қўяётган советларга қарши курашиш Чўлпон ва Фитратнинг зиммасидагина қолган эди. «Менинг кечам» ва «Шарқ» каби шеърларида Фитрат «Миррих юлдузига» шеърида олға сурилган фикрни ривожлантириб, Туркистон ўзра янги зулм булути пайдо бўлгани ҳақида ватандошларини яна бир қарра огоҳлантириб, уларда кураш туйғусини уйғотишга ҳаракат қилди. Чўлпон «Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир» сатрлари билан бошланувчи «Халқ» шеърида халқнинг тарихдаги

иждокорлик ролини очувчи сатрларни ёзди ва шундай сатрлар билан ўзини виждонли ҳисоблаган кишиларда ор-номус, ҳис-туйғусини уйғотишни ўзининг шоирлик бурчи деб билди. Шу тарзда унинг шеърлятида инсон руҳининг хурлиги ғояси ўзининг аниқ ифодасини топди¹¹.

20-йилларнинг биринчи ярми адабий ҳаётида икки муҳим тамойил биринчи бор кўзга ташланади. Биринчиси шуки, шу йилларда «Инқилоб», «Билим ўчоғи», «Муштум», «Фарғона» сингари газета ва журналлар нашр этилиб, улар сафи тинимсиз ошиб борди. Бу нашрларни ташкил этишдан мақсад Совет давлатининг халқ ўртасидаги обрў-эътиборини кўтариш, унинг «ғоялари»ни кенг ёйиш бўлган. Аммо шу билан бирга бу нашрлардан таракқийпарвар ёзувчилар ўз мақсадлари йўлида ҳам фойдаланганлар. Шу маънода «Муштум» журналининг кишилар ва жамият ҳаётидаги иллатларга қарши курашини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Абдулла Қодирийнинг бу журналдаги ҳажвнавислик фаоляти, айниқса, самарали кечиб, унинг Қалвак маҳзум ва Тошпўлат тажанг ҳаётидан «олинган» туркум хикоялари асосида кишилар онгидаги, айниқса, совет жамиятидаги турли иллатларни фойда этишда муҳим роль уйнади¹².

Иккинчи тамойил шундаки, бу даврда замонавий адабий танқид шаклланиб борди, унинг Отажон Хошим, Сотти Хусайн, Олим Шарафиддинов, Абдурахмон Саъдий сингари вакиллари майдонга чиқди. Марксча танқидчиликни бошлаб берган бу мунаққид ва адабиётшуносларнинг саъй-ҳаракати билан ўзбек адабиёти секин-аста синфий кураш майдонига айлана бошлади.

Шундай қилиб, 20-йилларнинг биринчи ярмида Туркистоннинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз берган беқарорликлар унинг маданий қурилиш жабҳаларида ҳам ўз ифодасини топди. Маҳаллий «эски турмуш» билан большевикча «янги турмуш» ўртасида аёвсиз кураш борди. Совет давлатининг ҳукмронлиги, большевикча мафкуранинг яққаҳокимлиги

¹¹ Ўзбекистон ССР тарихи. Т.III. – Т., 1967, 366 бет.

¹² Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида. Иккинчи китоб. Т., «Шарқ», 2000. 35-бет.

«янги маданиятга» кенг йўл очиб берди. «Янги маданият» қанчалик миллий, анъанавий қадриятлар андозасига зид бўлмасин, миллийликка хавф солмасин, унга қанчалик қаршилиқ кўрсатилмасин, у Туркистон ҳаётига секин-аста кириб бораверди. Ҳалқ эса, ўз одатига кўра ҳамиша янгилик сари интиларди.

1.2. Мустабид тузумнинг миллий – ҳудудий чегаралаш сиёсатининг мақсад ва моҳияти

РКП (б) МКнинг Ташкилий бюроси ўзининг 1924 йил 31 январдаги мажлисида бошқа масалалар билан бир қаторда Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларининг миллий-ҳудудий чегараланиши тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқди ва Я.Э.Рудзутакка мазкур республикаларнинг масъул ходимлари билан биргаликда бу ғояни амалда қандай рўёбга чиқариш мумкинлигини олдиндан муҳокама қилиб кўришни топширди. Мазкур ғоянинг пайдо бўлиши ўзининг илк тарихига эга бўлиб, у 20-йилларнинг дастлабки давридаги воқеалар билан ҳамбарчас боғлиқ эди. Бироқ, ҳақиқий сабаблари ўз илдизлари билан анча илгарига бориб тақалади. Большевиклар партиясининг марказий органи қз қарори билан чоризмнинг Туркистон мустамлакасини бошқариш соҳасидаги империяча сиёсати принципларига содиқлигини исботлади, мазкур сиёсат Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низомга (1891 йил) мувофиқ ўтказиб келинаётган эди. Ўрта Осиёнинг маъмурий-ҳудудий ҳаритасини қайтадан тўзиш борасидаги ўз миқёслари ва оқибатлари билан ўлкан бўлган большевикча бу ҳаракат чоризм низомининг такомиллашган шаклини амалда рўёбга чиқариш учун қўйилган дастлабки қадам эди.

Большевиклар Ўрта Осиё минтақаси халқларининг озодлик ҳаракатига чоризмга нисбатан кам бўлмаган изчиллик ва муросасизлик билан муносабатда бўлиб келаётган эдилар. Улар империячилик сиёсатининг чинакам ворислари сифатида Туркистон мустақиллиги учун кўтарилган ҳар қандай ҳаракатни панисломизм ва пантуркизмнинг ҳийла-найранглари деб баҳоладилар. Панисломизм билан пантюркизм империяча сиёсат учун халқни кўрқитадиган доимий «олабужилар»га айлантирилганди. Уларни подшо ҳукмдорлари ҳам, большевиклар раҳбарияти ҳам мусулмон аҳолини Россиядан узоқлаштирадиган ва Туркия ҳомийлигида бирлаштиришга қаратилган ҳаракат деб ҳисобларди. Шарқий Россия халқларининг уз куч-ғайратларини ислом дини ва туркизм асосида бирлаштиришга қаратилган ҳар

кандай ўринишлари ташки кучларнинг «ягона ва бўлинмас» Россияга тажовуз қилиши деб баҳоланарди. Минтақадаги миллий озодлик ҳаракатининг барча оқимлари халққарни жипслаштириш мафкўраси сифатида туркизмнинг реаллиги ва таъсирчанлигидан далолат берарди. Унинг шиорларини мазкур ҳаракатнинг айрим босқичларида иштирок этган барча ижтимоий кучлар, шу жумладан, Туркистон Мухторияти, миллий-демократик ҳаракат (жадидлар), истиклолчилар ҳаракати («босмачилар» деб аталган ҳаракат) қўллаб-қувватлади. Коммунистик ҳаракат ҳам туркизм таъсиридан четда қолмаган эди¹³. Большевикларнинг миллий масаладаги сиёсати моҳиятини ичдан билган, Россия большевиклар раҳбариятининг империяча жиззакилиги амалда кучайиб бораётганлиги ва дуч келиши муқаррар бўлган бу реал хавфга қарши кўрашни авж олдиришдан иборат қатъий эҳтиёжни ҳис қилган маҳаллий миллий-коммунистлар раҳбарлари учун туркизм уз Ватани озодлиги ва мустақиллиги йўлида бирлашиш мафкўраси сифатида ўлкан имкониятларга эга бўлган бирдан-бир восита бўлиб хизмат қилган эди.

Маълумки, Россия раҳбарияти ўша вақтда миллим коммунистларнинг ўлка халқлари давлатчилигини туркийлар бирлиги принциплари асосида кўриш ҳақидаги даъволарини рад этиб, бундан кейин ҳам уларни бўлиб юбориш ва Россия таркибида айрим автоном, миллий давлат тузилмалари ташкил этиш йўлидан бориш ниятини қатъий баён қилган эди.

Марказнинг юқори сиёсий раҳбарияти учун Туркистонни бўлиб юбориш, уни ягона давлат тузилмаси сифатида йуқ қилиш ғояси устивор бўлиб қолди. У Туркистонни сақлаб қолиш ўзининг империяча мақсадларига хавф туғдиради деб ҳисобларди, чунки «Туркистон» унда яшовчи барча халқлар онгида уларнинг тарихий Ватани рамзи сифатида тушуниларди, унинг мустақиллиги ва озодлиги учун кўрашда доимо бирлаштирувчи таъсирчан омил бўлиб келган эди. 1920 йил 20 июнда РКП(б) МК, Сиёсий бюроси мажлисида Туркистон масалалари юзасидан қабул қилинган тўртта

¹³ Ўзбекистон ССР тарихи. Т. III. – Т., 1967, 369 бет.

қарор кейинчалик «РКП(б) нинг Туркистондаги асосий вазифалари тўғрисида», деган умумий ном билан машҳур бўлиб, алоҳида бандида Туркистонга «Туркистоннинг маъмурий округларини унинг миллий таркибига мувофиқ қайта тақсимлашга киришиш» топширилган эди. «Туркистонни миллий автоном вилоятларга (республикаларга) бўлишни дарҳол амалга ошириб бўлмайди, — деб таъкидлаган эди Турккомиссия аъзоси Г.Сафаров МК, га йўллаган мактубида, — бироқ у яқин орадаги давр учун ҳақиқий йўл-йўриқ сифатида қабул қилиниши лозим».

Совет воқелигининг шундан кейинги тажрибаси бу башорат қилинган йўл-йуриқларни батамом тасдиқлади. 1920 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб большевиклар авж олдириб юборган амалий фаолиятнинг асосий мақсадини фақат ана шу асосда баҳолаш мумкин.

1920 йил сентябрда Советларнинг IX Умумтуркистон съезди ТАССР Конституциясини тасдиқлади, унинг лойиҳасини Турккомиссия тайёрлаган эди. Конституцияда айтилишича, «Туркистон унда яшовчи асосий халқларнинг, яъни: туркманлар, ўзбеклар, ва қирғизларнинг (қозоқларнинг - Таҳририят) мухтор республикаси деб эътироф қилиниб, асосий миллий гуруҳлар, иқтисодий ва маиший уклади бўйича вилоятларга бўлинади ва РСФСРнинг Туркистон Автоном Республикаси деган ном билан аталади». Хуллас, Туркистон аҳолисининг бўлиниши, унинг этник номи бўйича маъмурий-ҳудудий, тузилиши Конституция асосида мустаҳкамланди, ҳолбуки, Ўрта Осиёлик халқлар учун бирлаштирувчи омил у вақтда диний ва ҳудудий мансублик эди. Айнан ҳудудий, маданий-диний бирлик уш вақтда Ўрта Осиёда яшовчи халқлар онгида ва ўз номида акс этган бўлиб, «мусулмон», «туркистонлик», «самарқандлик», «фарғоналик», «бухоролик», «хивалик» каби номлар билан атаб келинар эди. Турли даврларда қарор топган Ўрта Осиё давлатлари, уларнинг ички маъмурий тузилиши ҳам ана шу ҳудудий, маданий, диний умумийликка асосланган эди¹⁴.

Большевиклар Ўрта Осиёдаги халқларни миллий гуруҳдан ажратиш

¹⁴ Ўзбекистон тарихи. (1917-1993 йиллар). 9-синф учун дарслик. Т., 1994, 323-бет.

учун уларнинг этник жиҳатдан ўхшашларини бирлаштиришни лозим кўрди ва бу мақсадда тип воситасидан фойдаланди. Большевикларнинг бу соҳадаги фаолияти аниқ йўналишга эга бўлиб, туркий тилнинг айрим лаҳжаларини исох қилиш ва улар негизида ҳар бир миллий тузилма (ўзбек, туркман, козок ва ҳоказо) мўлжалланган уз миллий тилларини яратишдан иборат эди. 1922 йилдаёқ ўзбек тили ва грамматикаси бўйича биринчи ўлка съезди ўтказилди, у ўзбек тилини сунъий равишда «классик европача грамматика тизими»га келтиришга асос солди. Ана шу грамматик сўз ясовчи моделлар таъсирида сўз иборалари ва грамматик кўринишнинг янги шакллари вужудга келди, бу ҳол ўзбек тили лексикаси асосини ташкил этувчи умумтуркий лексиканинг муайян даражада ўзгаришига таъсир қилмай қолмади.

Айни вақтда «ягона туркий тил бўлмаганидек, ягона турки маданият ҳам бўлмайди» деган шиор остида тил ислоҳоти ўтказилиши билан бир қаторда Ўрта Осиё халқлари маданий меросининг асосий тарғиботчилари бўлган ислом ва унинг ташкилотларига қарши компания авж олдириб юборилди. 1923 йил мартда ТКП VII съезди Туркистоннинг маҳаллий халқлари ўртасида динга қарши тарғиботни авж олдириш масаласини қўйди Туркистон халқлари учун, шунингдек, бутун мусулмон олам учун фақат эътиқодгина эмас, балки уларнинг турмуш тарзи маънавий маданияти бўлиб қолган исломга қарши хужум қилиниши аввало уларнинг умумий маданий меросини оёқости қилишга, онгига ва ўзлигини билишга путур етказишни мақсад қилиб қўйган эди.

1923—1924 йилларда ТАССР ва сиртдан мустақил бўлган Бухоро ҳамда Хоразм негизида миллий республикалар ташкил этиш масаласи Ўрта Осиё минтақаси партия доираларида муҳокама қилина бошлаган эди. Кремль йўл-йўриқларининг фаол иштирочилари РКП (б) МКнинг Ўрта Осиё бюроси ва ўша йиллардаги москвалик таниқли партия фаолларидан бири Я.Рудзутак бўлди.

Иттифоқ раҳбарияти «юқоридан» берилаётган директив йўл-йўриқни маҳаллий партия-совет аппарати сўзсиз қўллаб-қувватлашига ишонган эди.

Лекин кўтилмаганда акс-садо салбий бўлди. Масалан, 1924 йил 24 февралда бўлиб ўтган БКП МК, пленумида кўпгина нотиклар Кремль ташаббусига карши чиқдилар, таклиф этилаётган чегараланиш ўз вақтида чор Россияси томонидан амалга оширилган маъмурий бўлинишни такрорлайди¹⁵, деб таъкидладилар. Бу лойиҳа ТКП МКнинг мажлисида (1924 йил 10 март) С.Хўжанов ва бошқа сўзга чиққан миллий ходимлар томонидан кескин танқид қилинди. Шундай бўлса ҳам иттифоқ эмиссарлари ва Ўрта Осиё бюроси аъзоларининг тазйиқи остида ҳар иккала мажлисда ҳам пировард натижада Кремль йўл-йуриғини қўллаб-қувватлайдиган резолюциялар қабул қилинди.

Ўша йил март ойининг ўрталарида ўтказилган Хоразм партия-совет фаоллари йиғилиши қатнашчилари ҳам худди шундай зўрлик ишлатиш натижасида миллий чегараланиш учун фикр билдирдилар. Бироқ шундан кейин ХКП МК Хоразм республикасининг мустақил давлат тузумини сақлаб қолиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бундан ташқари, 1924 йил май ойида ХКП МКнинг котиби Одинаев, Ички ишлар нозири Абдусаломов, ХХСРнинг Тошкентдаги Бош консули Ёқубов ва республика давлат режа қўмитаси раиси Шумилов РКП(б) МКга махсус мактуб йўллайдилар, унда Марказ лойиҳаси қатъиян қораланган эди. Шунга қарамай, 1924 йил июль ойида Марказнинг кучли мафкуравий тазйиқи ва ошкора дўқ-пўписаси билан Хоразм компартияси МК, ижрокуми «хато қарори»ни бекор қилди¹⁶.

Мўлжалланган давлат-худудий бўлиниши тўғрисидаги ҳабар Ўрта Осиё жамиятининг турли қатламлари орасида кескин норозиликни вужудга келтирди. Миллий зиёлилар вакиллари, руҳонийлар, таниқли жамоат арбоблари, деҳқонлар ва хунармандлар Бухоро ва Хоразмдаги ҳарбий умумий давлатчиликнинг белгиланган бузилишини, битта умумий ҳудудда минг йиллар мобайнида яшаб келаётган миллатлар ва элатларнинг сунъий равишда бўлинишини қатъий равишда қораладилар. Бироқ ҳалқ фикри назар-

¹⁵ Ўзбекистон тарихи. (1917-1993 йиллар). 9-синф учун дарслик. Т., 1994, 324-бет.

¹⁶ Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида. Иккинчи китоб. Т., “Шарқ”, 2000. 43-бет.

писанд қилинмади, миллий-худудий бўлинишни қаттиқ талаб қилинди. 1924 йил 12 июлда РКП(б) МК, Сиёсий бюроси «Ўрта Осиё республикаларининг миллий-давлат чегараланиши тўғрисида» махсус қарор қабул қилди.

Кремль лойиҳасини амалга ошириш «хужум ва тазйиқ ўтказиш»дан иборат синалган усуллар билан бажарилди. Миллий давлат чегараланиши ўтказилиши арафасида ҳеч қандай жиддий этнографик тадқиқотлар, илмий-тарихий ва социологик ишланмалар амалга оширилмади, қилинаётган ҳаракатнинг ўзига хос ғоят хилма-хил оқибатлари ҳисобга олинмади, жамоатчилик фикри ўрганилмади. Чунончи, Советларнинг V Бутунбухоро курултойида (1924 йил сентябрь) Бухоро МИК, ҳисоботида очикдан-очик «маълумотлар йўлиги туфайли аҳолини миллатига қараб тақсимлашни аниқ кўрсатиб бўлмайди»¹⁷, деб таъкидланган эди. Туркистон республикаси раҳбарияти ҳам алам билан: «партиянинг фикрига эга-миз, лекин биз булажак чегараланиш омманинг онгига қай даражада сингиши ҳақида аниқ, тасаввурга эга эмас-миз»², деб қайд қилган эди.

Бундай ёндашув натижасида мисли кўрилмаган миллий-худудий бўлинишдан иборат мураккаб жараёнлар ўзбошимчалик билан жадаллаштирилди, бўлажак «давлат тузилмалари»нинг чегаралари «кўз билан чамалаб» аниқланди. Буларнинг ҳаммаси авж олдирилаётган компаниянинг бошланғич боскичидаёқ миллий-этник вазиятни жунбушга келтирди, у ёки бу ҳудуд учун яқка-ёлғиз бўлмаган миллатлараро можароларни, тўқнашувларни келтириб чиқарди. Маданий-тарихий бирликка доир қадимги анъаналар шиддат билан емириб ташлана бошлади. Кремлдаги ҳукмрон сиёсий раҳбариятни миллатлараро тотувлик ҳаммадан кўра камроқ кизиқтирарди. РКП(б) «бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил» деган империяча қоидага амал қилиб, Ўрта Осиё халқлари ўртасида адоватнинг чуқурлашуви ва тарқоқликдан манфаатдор эди.

Миллий-давлат чегараланиши яқунлари бўйича Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикалари ўрнида Ўзбекистон ССР, Туркманистон ССР,

¹⁷ Ўзбекистон ССР тарихи. Т. III. – Т., 1967, 355 бет.

шунингдек, Тожикистон Мухтор республикаси, Қозоғистон ва Қорақалпоғистон мухтор вилоятлари ташкил топди, кейинчалик улар «социалистик республикалар» мақомига эга бўлди.

Мустабид тузум даврида янги «миллий республикалар» ташкил топганлиги факти тантанали равишда кўрсатиб ўтилди. Масалан, «ўзбек халқи тарихда биринчи марта ўз миллий давлатчилигига эга бўлди», деб таъкидланарди. Лекин ўзбек давлатчилиги ҳали қадим замонлардаёқ вужудга келганлиги ҳақида лом-мим дейилмасди. Бироқ унинг «минг йиллик тарихи, — деган эди. И.А.Каримов, — Россия империясига зўрлик билан кутилиб олинishi натижасида узилиб қолган эди»¹⁸. Совет воқелиги шароитида эса сунъий сохта миллий давлатчилик тикиштирилди. Ўзбек халқи ўзининг миллий тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга, деб конституцияда ифодаланган тарғиботчилик баёнотларига зид ўлароқ реал ҳаётда ҳақиқий мустақил давлат ташкил этиш имкониятидан маҳрум этилган эди, марказга мустамлака тарзида тобе ҳолатда яшарди.

Ўзбекистон ССР ташкил топган дастлабки қадамлардан бошлаб миллий-давлат қурилиши қатъий совет унитаризми доирасида, синфий қарама-қаршилиқ мафкураси ва мустабид-империяча асосларни қарор топтириш негизида амалга оширилди. Ўзбекистон собиқ Иттифок раҳбарияти томонидан фақат сиёсий марказнинг ўзи қарорлар қабул қилишга қодир бўлган субъекти сифатида эмас, балки объекти сифатида қаралди. Республика ҳукумати мустақилликнинг заррача ҳам имкониятига эга эмасди. Ҳаддан ташқари марказлаштириш белгиси остида маҳаллий бошқарув идоралари ташкил этиларди. Улар амалда иттифок органларидан тўла-тўқис нусха олиб ишларди, умумиттифок давлат расмийатчилик машинасининг узвий элементлари бўлиб қолиши лозим эди. Иттифок компартиясининг тахдирловчи зуғуми жамиятнинг барча соҳаларини ёпишқоқ ургимчак уяси каби ўраб олган эди.

¹⁸ Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида. Иккинчи китоб. Т., «Шарк», 2000. 52-бет.

Ўзбекистонни коммунистик мустамлакага айлантириш сиёсатини чуқурлаштиришнинг муҳим омили 20— 30-йиллар чегарасида Иттифок ҳокимиятининг юқори поғоналарида қатъийлашган сталинча гуруҳ тутган йўлининг мустаҳкам тус олганлиги бўлди, у «рўпарадан туриб хужум қилиш» ва «шиддатли хужум билан сиқувга олиш»дан иборат ҳарбий коммунизм усулларида фойдаланишга мойил эди. Ленин вафотидан кейин давлат бошқарувини ўз қўлига олган И.В.Сталин дарҳол янги иқтисодий сиёсат амалиёти туфайли заифлашиб қолган мустабидчилик асосларини тиклаш йўлини тутди.

Тарихнинг гувоҳлик беришича, совет тузуми доирасида рўй берган таркибий ўзгаришлар аввал бошданок фақат империянинг эмас, балки мустабид жамиятнинг ҳам таянч андозаларига асос солишни белгилаб берди. Октябрь тўнтаришидан кейин ленинча ҳукумат томонидан ўтказила бошлаган «коммунизмга сакраш» сиёсати марксча «формацион қайта қуриш» лойиҳасининг мустабид-қатагончилик табиатини жуда яққол акс эттирди. Бироқ, маъмуриятчи-мустабид тизимнинг ҳисоб бўйича биринчи модели бўлиб қолган «ҳарбий коммунизм» аслида большевистик тузумнинг ҳали заиф бўлган негизларига путур етказди. Ўзининг мутлақо марказлашганлиги, халқ оммасининг манфаатлари ва ижодини, миллий эҳтиёжлари ва интилишларини инкор қилиши билан «ҳарбий коммунизм» ҳам бутун Россия, ҳам советлаштирилган Ўрта Осиё ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида ўта кескин тангликни вужудга келтирди¹⁹.

Туркистон аҳолисини миллий белгиси бўйича гуруҳларга ажратишга қаратилган мафкўравий, сиёсий, тил-маданият ва бонкаларга дойир бир қатор тадбирлар билан бирга 1920 йилда эътиборан тажриба қилина бошланган туркман, ўзбек съездлари, конференция ва кенгашларини ўтказишга шак-шубҳасиз кенг ўрин ажратилди. Турккомиссия ташаббуси билан чақириладиган бундай съездлар, конференция ва кенгашлар одатда муайян

¹⁹ Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини тиклаш сиёсати: тарих шохидлиги ва сабоклари. Т., «Шарк», 2000, 83- бет.

миллий гуруҳнинг мустақил ҳудудий-маъмурий бирлик бўлиб чиқишга «истак билдирганлиги»ни намоёиш қилишдан иборат эди. Шундай йўл билан Туркистон ҳаритасида Туркманистон вилояти пайдо бўлди.

Туркистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилувчи қозоқ ва қирғиз аҳолиси тўғрисидаги масалалар чўзилиб кетган мураккаб хусусият касб этди. 1920 йил 26 августда РСФСР БМИК, ва ХККнинг «Қирғизистон (Қозоғистон) автоном Совет Социалистик Республикасини ташкил этиш тўғрисидаги декрети муносабати билан Туркистон Республикаси таркибига қирувчи қозоқ ҳудудларининг «аҳолининг истақ билдириши билан» янги тузилган республика ҳудудига қўшилиши тасдиқланди. Шунга биноан Туркманистон 1920 йил октябрда Манғишлоқ уездини ва уезднинг икки волостини Қозоғистон Республикасига берди. Бошқа ҳудудларнинг (Сирдарё ва Еттисув вилоятлари) тақдири тўғрисидаги масала 1921—1922 йилларда ҳар иккала республиканинг раҳбар органлари, Туркистонда яшовчи қозоқлар съездлари даражасида узлуксиз, кўп марта муҳокама қилинди. Бироқ у йилларда бу масала ўз ечимини топмади.

Қирғизистон тоғ вилоятининг ташкил топиши лойиҳаси теварагида ҳам кўпгина тортишувлар бўлди. Бу вилоятни таъсис этиш юзасидан 1922 йилда ўтказилган «буржуа-миллатчилик тамойилларига эга бўлган дабдабали характердаги» съездга асосланиб, туркистонлик раҳбар органлар вилоятнинг ташкил топиши учун ҳали шарт-шароитлар етилмаган деб топдилар ва бу масалани ҳам кечиктиришга қарор қилдилар.

Туркистоннинг маъмурий округларга қайта тақсимланиши борасидаги амалга оширилган тадбирлар унинг миллий таркиби туфайли исёнчилик ҳаракатида алоҳида акс-садо берди. Туркистоннинг партия раҳбарияти 1920 йил кўзига келиб Фарғона водийсида исёнчилик ҳаракатининг айниқса кескин тус олганлигини қайд қилиб, унинг асосий сабабларидан бири «Туркистон маҳаллий халқларининг миллий ўз тақдирини ўзи белгилаш тўғрисида»ги масаланинг қўйилиши эканлигини эътироф қилишга мажбур бўлди. Ана шу йилларда, яъни 1920 йил кўзидан 1923 йилга қадар бу ҳаракат

Ўзига жалб қилинган иштирокчилар кўлами бўйича ҳам, кўрашнинг шиддатли тус олганлиги бўйича ҳам алоҳида миқёс касб этди. У Фарғона водийсидан кейин Самарқанд вилоятини қамраб олди. Бухоро ва Хоразм республикаларига ҳам ёйилди.

Хоразм ва Бухоро халқ республикаларининг мустақиллиги бу давр охирига келиб ниҳоятда катта хусусиятга эга эди. Ҳақиқатда улар мустақилликни қўлдан бой берган эдилар. Учта республиканинг иқтисодий жиҳатдан бирлашуви ва Ўрта Осиё иқтисодий кенгашининг тқзилиши, Хоразм ва Бухоро коммунисток партияларининг РКГТ(б) таркибига кириши ва РКП(б) МК, Ўрта Осиё бюросининг ташкил этилиши, Россия билан Бухоро ва Хоразм республикалари ўртасида янги иқтисодий битимларнинг тузилиши, пул муомаласининг бирҳиллашуви (унга Россия червонининг асос қилиб олиниши) натижасида, бу давлатларга сиёсий, иқтисодий, молиявий жиҳатдан ҳукмронлик қилиш бутунлай Москва ихтиёрига ўтди.

Мустақиллик секин-аста йуқолиши билан унинг учун кўраш олиб бориш янада кескинлашди ва умумхалқ хусусиятини касб этди. Бу кўраш қатнашчилари минтақадаги барча халқларнинг, барча ижтимоий қатламларнинг вакилларида иборат эди. Янги ижтимоий-сиёсий тузумнинг ана шу ялпи хужуми шароитида Ўрта Осиё халқлари онгида ўзликни, маънавиятни ҳимоя қилиш билан, қадимий миллий давлатчиликни сақлаб қолиш ва уни мустаҳкамлаш ҳаракати узвий ҳолда мужассамлашиб кетган эди.

Ўрта Осиё давлатларининг ҳар бири ўзига хос ноёб, асрлар давомида қарор топган миллий тузилмалар бўлиб, уларда халқларнинг тарқоқ ҳолда (ора-сира) жойлашганлиги уларнинг умумий жамият бўлиб шаклланишида ўз изини қолдирган, улар тараққиётида иқтисодий, сиёсий, маънавий, маданий турмуш соҳаларида ва ўзаро муносабатларда анъанавий ўзига хослик ҳамиша сақланиб қолган. Ана шу ўзига хослик Ўрта Осиё халқларини 20-йилларнинг биринчи ярмидаги озодлик ҳаракатида бирлаштирувчи омил сифатида зўр куч билан намоён бўлди. Бу вақтда «Туркистон — туркистонлик халқлар

Ватани. Ватан чегараларидан душманни қувиб чиқарамиз!» деган шиорлар остида барча Ўрта Осиёлик халқларнинг вакиллари ўз Ватани мустақиллиги учун бир сафда туриб кўраш олиб бордилар.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Т.Рискулов бошчилигидаги Туркистон миллий-коммунистларининг «Турк Совет Республикаси»ни ташкил этиш хусусидаги қатъий нули батамом тушунарлидир (бу ҳақда олдинги бобларда сўз борган эди). Аслида, Турар Рискулов ва маслакдошларининг 1920 йилдаги чиқиши туркий халқларнинг бирлиги ғоясини уларнинг сўнгги таянчи бўлган Туркистон минтақасида уларнинг ўз давлат тузумини Ўрта Осиё давлатчилигининг тарихан қарор топган шаклларига, турмуш тарзига, ижтимоий аҳволига, ахлоқи, иқтисодий ва маънавий маданиятига мувофиқ тарзда барпо этиш ҳуқуқини ҳимоя қилишга зўр бериб ўринишдан иборат эди²⁰.

1924 йил 15 сентябрда Туркистоннинг навбатдан ташқари сессияси иш бошлади. Унинг кун тартибида битта масала: миллий-ҳудудий чегараланиш масаласи турарди. Мазкур масала юзасидан Исломов маъруза қилди. Умуман, бу маъруза илгариги босқичларда илгари сурилган барча ғоялар ва қоидаларни яққол такрорлашдан иборат бўлди. Маърузада миллий-ҳудудий чегараланишни «миллатларнинг уз тақдирини ўзи белгилаш принципи»ни тўлиқ амалга ошириш, янги «миллий-давлат тузилмалари»ни ташкил этиш сифатида тушуниш кераклигига асос солинди. Шу билан бирга Исломов маърузасида, миллий-ҳудудий чегараланиш, «халқларнинг хохиш-иродасини билдириш вақти», деган тезис биринчи бор очиқ айтилди: «Туркистон халқлари билан биргаликда Бухоро ва Хоразм халқлари ҳам миллий чегараланиш тўғрисида ўз хохиш-иродасини билдирдилар. Улар ҳам барча ўзбеклар, қирғизлар ва туркманларни ягона давлатга бирлаштириш йўли билан қилинган тарихий адолатсизлик оқибатларини тузатишга интилмоқдалар».

²⁰ Ўзбекистон ССР тарихи. Т.III. – Т., 1967, 361 бет.

II-БОБ. Ўрта Осиёда Совет республикаларининг тошкил топиши

2.1. Туркистон, Хоразм ва Бухорода миллий – ҳудудий Совет республикаларининг ташкил топиши

Шу тариқа, РСФСР таркибига кирган Туркистон Автоном Республикасини янгитдан чегаралаш ҳақидаги большевиклар ғояси 20-йилларнинг ўрталарига келиб, анча кенг миқёс касб этган вазифага — чегараланишга фақат Туркистон Республикасигина эмас, балки Бухоро ва Хоразм халқ республикаларининг ҳам тортилиши масаласига айланиб кетди. Бу вақтда Бухоро ва Хоразм республикалари ҳуқуқий жиҳатдан хали мустақил суверен давлатлар ҳисобланарди. Ўрта Осиёнинг миллий чегаралаш масаласи Москвада тўлиқ қўллаб-қувватланди. Чунки бу вақтга келиб Марказнинг партия раҳбариятида чегаралаш масаласи аниқ ифодаланган асосий мақсадга айланиб қолган эди²¹.

Шуни ҳам айтиш керакки, Бухоро ва Хоразмнинг кўпгина миллий раҳбарлари «советлар» раҳбариятининг империяча йўл тутаётганлигини ўз кўзлари билан кўрдилар, орадан кўп ўтмай, совет тузуми доирасида ўзига хос миллий ривожланишга умид бомаш хом ҳаёл эканлигини англаб етдилар. Масалан, амирга қарши собиқ мухолифат раҳбарларидан бири Қодир Абдувоситов ўша даврда миллий демократлар орасида ҳукм сурган кайфиятни ифодалаб: «Мен Бухоро инкқлобидан кейин бизнинг ғояларимизни шу қадар мазах қилишларини кутмаган эдим. Инқилоб бизнинг истакларимизни оқламади»²², деб алам билан эътироф этишга мажбур бўлган эди.

БХСР ва ХХСР нинг миллий масъул раҳбарларидан бир қисми норозилик белгиси остида ошкора равишда кўзғолончилар томонига ўта бошладилар. Улар орасида БХСР Советлари МИК, Раиси Усмонхўжа Пўлатхужаев, Бухоро Республикаси Ҳарбий нозири Абдулҳамид Орипов, Хоразм МИК, Раиси Ота Максудов, ХХСР ташқи ишлар халқ нозири Мулла

²¹ Хоразм тарихи. 2-жилд. Урганч, 1997, 32-бет.

²² Ўзбекистон тарихи. (1917-1993 йиллар). 9-синф учун дарслик. Т., 1994, 340-бет.

Ниёз ва бошқалар бор эди. Айни вақтда Ўрта Осиё республикаларининг кўпгина миллий раҳбарлари туб ўзгаришлар бўлишига умид боғлаган эдилар. Советларча ривожланиш доирасида ўз миллий тақдирини ўзи белгилаш имкониятининг пуч эканлигига ишониб, улар ўз халқининг ор-номуси ва кадр-қимматини изчиллик билан ҳимоя қила бошлаб большевик эмиссарлар ҳамда маҳаллий ашаддий коммунистларга дадил қарши чиқа бошладилар. У маъсул миллий ходимлар ленинча ҳукуматнинг буюк давлатчилик шовинизми, бошқарувнинг Кремлда ишлаб чиқилган ҳаддан ташқари марказлашувини ўрнатишга, олдинги империяча муносабатлар тизимини сақлаб қолишга интилиш сиёсатига айниқса кескин қарши чиқдилар. Чунки Туркистон республикасининг бошқарув тузилмаларида маҳаллий аҳоли вакиллари қатламининг нисбатан кенгайганлиги, БХСР ва ХХСР нинг ташқи мустақиллигига қарамасдан, Россиянинг коммунистик раҳбарияти ҳамма нарсага ошкора ва яширин равишда ўзи раҳбарлик қиларди. Жумладан, Туркистон ҳокимияти поғоналарида ҳам миллий мухолифатнинг каттагина гуруҳи вужудга келди. Унинг етакчилари Т.Рискулов, Қ.С.Отабоев, Н.Хўжаев, И.Хидиралиев, А.Рахтшбоев, Х.Иброҳимов, С.Турсунхўжаев ва бошқаларнинг асосли фикрларича, марказ эмиссарлари, аввало Турккомиссия ва РКП(б) МК, Туркбюроси ўлкада мустақил ҳаёт кўринишлари намоён бўлишига жиддий тўсқинлик қилаётган, марказий ҳокимият аслида аввалги мустамлакачилик сиёсатини ўтказаетган эди. Миллий мустақилликни сақлаб қолиш ва ваъда қилинган суверен ҳуқуқларни рўёбга чиқариш учун улар Турк республикасини ва РКП(б) дан мустақил бўлган туркий халқлар коммунистик партиясини ташкил қилишни таклиф этдилар.

Бироқ ТАССР миллий раҳбарларининг тутган йўли Турккомиссия ва Октябрнинг ғазабли акс-садосига дуч келди. Улар «миллий оғмачилик»да айбландилар. Ҳатто Х.Иброҳимовнинг Ленинга хат ёзиб, маҳаллий партия ташкилотларига маҳаллий ҳаётга тегишли бўлган муҳим масалаларни РКП(б) МКдинг рухсатини олиб ўтирмасдан, мустақил ҳал этиш, марказий ҳокимиятнинг декретларини «Туркистон халқларининг маиший турмуш

шароитларига татбиқан» амалга ошириш ҳуқуқини бериш ҳақида қилган оддийгина илтимоси ҳам Кремль томонидан ниҳоятда серзардалик билан кутиб олинди²³. Бу тушунарли эди. Чунки ҳақиқий бошқарув фақат РКП(б) ва унинг вилоят партия ташкилотлари мақомига эга бўлган «шуъба» республика ташкилотлари орқали амалга ошириларди. Бундай тизим миллий республикаларга ташқи «мустақиллик» бергани билан марказдан туриб империяча сиёсат ўтказиш имконини ўз қўлида сақлаб қоларди.

Совет Социалистари Республикалари Иттифоқи СССРнинг ташкил топганлиги совет империясини кучайтириш ва бир хиллашган социалистик давлатчиликни мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим босқич бўлди. Унга расман «тенг» ва «суверен» бўлган халқлар социалистик федерациясининг ленинча қондаси асос қилиб олинган эди. Ленин Сталин тузиб чиққан режани рад қилади, бу режа РСФСР марказий давлат органларига расман буйсунмайдиган барча совет республикаларининг (Украина, Белоруссия, Грузия, Арманистон, Бухоро, Хоразм) суверенитетини бир қўл силташ билан синалган «хужум ва тазйиқ» усуллари воситасида тугатишни ва уларни муҳторият ҳуқуқи асосида Советлар давлатига қўшиб олишни таклиф этган Кремлдаги раҳбар табақанинг энг кескин қисми кайфиятини ифодалар эди. Сиёсий ўйинда тажрибаси бор дохий Сталиннинг «автономлаштириш» тўғрисидаги режаси тенглик ва суверенитет ҳақидаги бутун сафсатани амалда қош қилганлигини тушунар эди. Сталин таклиф этган федерация шакли марказнинг реал ҳокимиятини партия МК, қўлида сақлаб қолинган тақдирда «халқларни бирлаштириш» вазифасини ташқи томондан анча маърифатли шакллар билан ҳал этиш имконини берарди. Анъанавий ленинча стратегик ҳисоб-китоб шундан иборат эдики, рус бўлмаган халқларнинг ажралиб чиқишдан иборат расмий ҳуқуқининг тан олиниши «ягона ва бўлинмас совет империяси»ни сақлаб қолишни осонлаштирар, рус шовинизмига қарши “уруш” эълон қилиш эса, унинг тарқалиб кетиш хавфининг олдини олиш имконини берарди.

²³Ўзбекистон ССР тарихи. Т.III. – Т., 1967, 360 бет.

1922 йил 30 декабрда СССР ташкил топганлиги тантанали равишда эълон қилинди. Аслида Лениннинг «федерация» режаси ҳам, Сталиннинг «автономлаштириш» модели ҳам бирга қўшилгандай эди. Советлар Иттифоқи аввал бошдан мустақил ҳамдустлик давлатлари ўрнига пайдо бўлган эди, миллий республикаларнинг раҳбарлари бунга умид қилган эдилар, у қудратли қўшма (унитар) давлат бўлиб, унда расмий федерация субъектлари суверен ҳуқуқлар ва реал мустақилликдан маҳрум эдилар, империя таркибидан чиқиб кетолмасдилар.

Бошқа жиҳат ҳам характерли эди. Мамлакат ичида империяча асослар мустаҳкамланиши билан бир қаторда, Советлар Иттифоқи ўзи пайдо бўлган вақтдаёқ ўзининг жаҳонга ҳукмрон бўлиш ҳақидаги даъволарини ошкора суратда билдириб, жаҳон ҳамжамиятига даҳшатли суратда ўзини қарши қўйган эди. Масалан, «қизил Иттифоқ» эълон қилинганлиги тўғрисидаги Декларацияда тўғридан-тўғри СССР — бу «Жаҳон Совет Социалистик Республикаси Иттифоқи»ни ташкил этиш борасидаги фақат биринчи қатъий қадамдир, деб эълон қилинган эди. Республикалар сонини бутун дунё коммунистик империя таркибига кириб бўлмагунча кўпайтириб бориш мулжалланган эди²⁴.

РКП(б) МК, нинг бевосита кўрсатмасига мувофиқ Туркистон, Бухоро ва Хоразмнинг раҳбар партия органлари унинг илгари сўрган миллий-ҳудудий чегараланиш ғояларини амалга оширишга тортилди. 1924 йилнинг феввалидаёқ Бухорога РКП(б) МК, Ўрта Осиё бюросининг аъзоси, ТКП МКдинг масъул котиби Абдулла Раҳимбоев юборилди, бу ерда у БХСР раҳбар ходимлари кенгашида миллий-ҳудудий чегараланиш тўғрисида маъруза билан сўзга чиқди. Кенгаш асосан чегараланиш ўтказишни маъқуллади.

1924 йил 25 февралда бу масала Бухоро компартияси МК, Пленуми муҳкамасига қўйилди. Пленумда Файзулла Хўжаев маъруза қилди. Пленумда

²⁴ Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини тиклаш сиёсати: тарих шохидлиги ва сабоқлари. Т., «Шарк», 2000, 76-77 бетлар.

асос сифатида қабул қилинган БКП МКнинг тезислари БКП МК, комиссияси томонидан қараб чиқилди ва қайта ишланди, унинг Ижроия бюроси мажлисида 1924 йил 10 мартда тасдиқланди. БКП МК, Ижроия бюроси Ўрта Осиёнинг миллий чегараланишини компартия эълон қилган миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини ҳаётга татбиқ этишнинг муҳим босқичи сифатида талқин этиб, тезисларда қайд этилгандек, чегараланишнинг схемасини қуйидагича таклиф этди: Ўрта Осиёда Ўзбекистон, Туркменистон иттифокдош республикаларини, Ўзбекистон Республикаси таркибида автоном Тожикистон вилоятини тўзиш, шунингдек, Туркистоннинг қозок туманларини Қозоғистон Республикасига бирлаштириш. Алоҳида бандда янги ташкил этилаётган Ўзбекистон Республикасининг «ихтиёрий асосда» СССР таркибига кириши айтиб ўтилди.

Туркистон Компартиясида ҳам бу масала худди шундай тарзда ривожланди. Бухорода бўлгани каби олдиндан 1924 йил 10 мартда ТКП ва Туркменистон масъул ходимларининг кенгаши чақирилди. Маърузачи А.Рахимбоев Ўрта Осиёнинг миллий белги бўйича чегараланиши совет ҳомиятини мустаҳкамлашнинг бирдан-бир чораси эканлигини яна бир қарра таъкидлаб, бу тадбирнинг ҳақиқий мақсадини қуйидагича аниқ ифодалаб берди: «.... партиямиз нуқтаи назаридан бу ташкил этиш (бир ҳил миллий республикаларнинг тузилиши) шунинг учун ҳам қулайки, агар ўзбек камбағали ўзбек қулогига қарши, туркман камбағали туркман қулогига қарши, қирғиз камбағали қирғиз қулогига қарши кўрашадиган бўлса, у ҳолда биздаги синфий кўраш миллий жиҳатлар билан ҳаспушлаб кетилмайди».

Кенгашда Рахимбоевнинг маърузасини муҳокама қилиш борасидаги музокаралар бир ҳил йўналишда бормади. Гарчи бир гуруҳ миллий партия раҳбарлари (Асфандиёров, Айтоқов, Тургенов, Оролбоев ва бошқалар) унинг миллий-ҳудудий чегараланиш ва миллий республикалар ташкил этилиши ҳақидаги таклифини маъқуллаган бўлсаларда, лекин бу фикрга қўшилмаган муҳолифлар ҳам бўлди. Жумладан, уларнинг бир гуруҳи (Паскуцкий, Цехер ва бошқалар) айрим миллий республикалар ташкил этилишига ҳали вақт эрта

деб ҳисоблаб, улар учун тегишли иқтисодий база яратилмаганлигини айтдилар. Туркистон, Бухоро ва Хоразмни Кавказorti Федератив Республикасига ўхшаш битта республика қилиб сиёсий бирлаштиришни ёқлаб чиқдилар.

Натижада, музоқараларда сўзга чиққанлар фикри бир жойдан чиқмади, кенгаш ягона нуқтаи назарни ишлаб чиқа олмади. Кенгашда раислик қилган ТКП МКнинг масъул котиби И.Варейкиснинг таклифи билан кенгашнинг стенографик ёзувини ТКП МК, Ижроия бюросига топширишга қарор қилинди.

Миллий чегараланишни ўтказиш тўғрисидаги масала ТКП МКнинг 1924 йил 23—24 мартда бўлиб ўтган пленумида ўзил-кесил ҳал қилинди. Пленум миллий чегараланиш зарурлигини эътироф қилиб, бироқ уни фақат Туркистон Республикаси доираси билан чеклади: унинг ҳудудида учта миллий республика - Ўзбекистон, Туркменистон ва Қозоғистон республикаларини ташкил этиш мўлжалланди. Шу билан бирга пленум ТКП МКта Бухоро ва Хоразмнинг партия органлари билан алоқа ўрнатиш, ҳамда биргаликда Ўрта Осиёнинг миллий чегараланиши тўғрисидаги масалани келишиб олишни топширди²⁵.

Хоразм Компартиясининг раҳбариятида миллий чегараланишга турлича муносабат пайдо бўлган эди. 1924 йил 3 мартдаёқ партия МК, Ижроия бюроси мажлисида ахборот тартибида РКП(б) МК, Ўрта Осиё бюросининг аъзоси И.Межлаукнинг миллий-ҳудудий чегараланиш тўғрисидаги маърузаси тингланди. Бироқ, мажлис маърузани маълумот учун қабул қилиш тўғрисидаги кўрсатма билан чекланди.

Мартнинг ўрталарида Хивада бўлиб ўтган партия-совет фаоллари йиғилишида бу масала яна қўйилди. Йиғилиш қабул қилган қарорда эътироф қилинишича, «Хоразм Республикаси миллий белги бўйича чегараланади ва тегишли районлар Ўрта Осиёнинг янги ташкил этилаётган республикаларига (Ўзбекистон, Туркменистон ва ҳоказо), борди-ю, шундай республикалар

²⁵ Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида. Иккинчи китоб. Т., “Шарқ”, 2000. 63-бет.

ажраладиган бўлса киради».

Шундай қилиб, икки ой мобайнида РКП(б) МК, Ўрта Осиё бюроси аъзолари Туркистон, Бухоро ва Хоразм компартиялари раҳбариятини Ўрта Осиёнинг миллий чегараланиши тўғрисидаги Марказ ғоясини амалга ошириш зарурлигига кўндиришга муваффақ бўлдилар. 1924 йил 5 апрелда Ўрта Осиё бюросининг аъзоси А.Рахимбоев бу ҳақда РКП(б) МК Сиёсий бюроси Мажлисида маъруза қилди. Гарчи мажлис бу масала юзасидан ўзил-кесил қарор қабул қилмаган бўлса-да, бироқ у Ўрта Осиё коммунистик ташкилотларининг миллий чегараланиш ҳақидаги «таклифи»ни маъқуллашини билдирди. Шу тарифа А.Рахимбоевнинг «Туркистон, Бухоро ва Хоразм ҳақида (миллий республика тузилиши тўғрисида)» деган маърузасини РКП (б) МК олдида қўйиш билан гуё чегараланиш тўғрисидаги ғоянинг пайдо бўлишида ташаббус республикаларнинг ўзидан келиб чиқди, деган фикр туғдирилди.

Сиёсий бюро масалани ўзил-кесил ҳал қилиш учун ТКП, ХКП, БКП делегацияларига барча зарур материалларни тайёрлаш ва РКП(б) нинг XIII съездига келтириш вазифасини юклади, Ўрта Осиё бюросига миллий-худудий чегараланиш тўғрисидаги ўз мулоҳазаларини географик ҳариталарга тушириб уни илова қилган ҳолда, МК Сиёсий бюросига тақдим этиш топширилди.

Ўрта Осиёнинг миллий-худудий чегараланишини амалга оширишнинг дастлабки босқичи шу билан тугалланди. Унинг моҳияти шундан иборат эдики, Туркистон, Бухоро ва Хоразмнинг партия раҳбарияти РКП(б) МКнинг хохиш-истагини итоат билан бажарди ва чегараланиш ҳамда миллий республикалар ташкил қилинишини ёклаб фикр билдирди. Улар қабул қилган хужжатларда фикрлар ифодасининг ўхшашлиги жиҳатидан РКП (б) МК, нинг ягона мақсади ва иродаси яққол сезилиб турарди, марказнинг бу иродасини солиқ бажарувчиси РКП (б) МК Ўрта Осиё бюросининг раиси, Марказнинг партиявий дастури, ўлканинг ўзига хос хусусиятларини заиф биладиган Я.Рудзутак бўлди.

1924 йил апрел-июн ойларида марказий органлар, минтақа коммунистик ташкилотлари ва РКП(б) МК Ўрта Осиё бюросида миллий чегараланиш масалалари юзасидан амалий таклифлар ва тегишли материаллар тайёрлаш юзасидан зўр бериб иш олиб бордилар. Бундай материалларни тайёрлашни улардан РКП(б) МК, Сиёсий бюросининг 1924 йил 5 апрелдаги мажлиси талаб қилган эди. Миллий чегараланиш масалаларини янада батафсилроқ, чуқурроқ ўрганиш учун Туркистон ва Бухоро компартиялари марказий кўмиталари ҳузўрида махсус комиссиялар тузилди. Бундай комиссия Ўрта Осиё бюроси ҳузўрида ҳам иш олиб борарди, бу комиссия ҳузўрида миллий кичик комиссиялар ҳам ташкил этилган эди.

Кичик комиссияларнинг маърузалари РКП (б) МК, Ўрта Осиё бюроси Комиссиясининг 1924 йил 10 майдаги мажлисида, 11 майда эса РКП(б) МК, Ўрта Осиё бюросида тингланди, бюро махсус комиссия ва унинг кичик комиссиялари ишининг якунларини муҳокама қилиб, улар ишлаб чиққан Ўрта Осиёнинг миллий-худудий чегараланишининг аниқ режасини тасдиқлади. Қабул қилинган қарорда бундай дейилган эди:

1.Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларини миллий-худудий белгиларига кўра чегаралаш зарур деб топилсин, янги ташкил этилаётган миллий-худудий бирлашмалардан федерация ташкил этилмасин.

2.Ўзбекистон ва Туркменистон республикалари ташкил этилсин ва улар мустақил ССР ҳуқуқларига эга булсин ва бевосита СССРга кирсин. Ўзбекистон Республикаси доирасида Тожикистон автоном вилояти ташкил этилсин. Қозоғоғистон автоном вилояти ташкил этилсин: Қирғизистон автоном вилояти қайси республика таркибига кириши масаласи очиқ қолдирилсин.

3.Туркистон Республикасида яшайдиган қозоқлар ҳозирги вақтда мавжуд бўлиб тўрган Қозоғистон Республикасига киритилсин.

Бироқ Ўрта Осиё бюроси бу қарорни қабул қилар экан, вазиятнинг ўзгаришини ҳисобга олмаган эди. 1924 йил 8 майдаёқ Ўрта Осиё иқтисодий конференциясида қатнашиш учун Тошкентга келган Хоразм делегацияси

аъзолари РКП (б) МК, Ўрта Осиё бюроси раисига «Хоразмда миллий масаланинг ҳал қилиниши тўғрисида мактуб» топширдилар, унда Хоразмни мустақил маъмурий район сифатида ўзининг доирасида қолдириш, шунингдек, Хоразм Республикаси билан Туркистон Республикасининг Амударё вилоятини бирлаштириш таклиф қилинган эди. Аслида, бу Хоразмнинг чегараланиш ўтказилишини рад қилиши эди. Шунга қарамасдан, Ўрта Осиё бюроси бу фикрни инкор этди, ўз қарорларининг биринчи бандига Хоразм Республикасини ҳам киритди. Лекин июнда ХКП МК, Ижроия бюроси ўзининг телеграммаси билан мактуб муаллифларининг нуктаи назарини қўллаб-қувватлади. Шу муносабат билан 1924 йил 12 июнда бўлиб ўтган РКП(б) МК, Сиёсий бюроси Ўрта Осиё бюросининг мажлисга тайёрлаган материалларига тегишли тузатишлар киритишига мажбур бўлди. Сиёсий бюро Хоразм Республикасини олдинги ҳолида қолдиришга қарор қилди.

Лекин РКП (б) МК, Ўрта Осиё бюроси Хоразм Компартиям МК, таркибини янгилашга киришди. Натижада 26 июнда Хоразм коммунистик партияси МКнинг янгиланган таркиби 9 июндаги қарорни бекор қилди ва Хоразм учун ҳам миллий чегараланишнинг зарурлигини эътироф этди. РКП(б) МК Сиёсий бюроси Ўрта Осиё бюросининг таклифи билан яна бу масалага қайтди ва Хоразмни Бухоро ҳамда Туркистон билан бир қаторда миллий-ҳудудий чегараланиш жараёнига қўшди²⁶.

Аслида, РКП (б) МК, Сиёсий бюросининг 1924 йил 12 июндаги қароридан бошлаб миллий-ҳудудий чегараланишни тайёрлаш жараёни янги босқичга кирди. 15 июлда МК, Ўрта Осиё бюроси янги ташкил этиладиган миллий республикалар ва вилоятларнинг муваққат бюросини ташкил этди. Режалаштирилган янги миллий тузилмаларини мазмунан тўлдириш, уларнинг ҳудудларини аниқлаб чиқиш, чегараларни ажратиш ва белгилаш лозим эди. Бу иш бирмунча олдинроқ РКП(б) МК, Ўрта Осиё бюроси ташкил

²⁶ Аҳмад Заки Валидий Тўғон. Бўлинганни бўри ер. Т., 1997, 92-бет.

этган ҳудудий комиссияда, унинг миллий кичик комиссияларида ва жанжалли масалаларни ҳал қилиш учун тузилган махсус комиссияларда бошланган эди.

Ҳудудий комиссия (унинг таркибига янги ташкил этилаётган республикалар ва вилоятларнинг вакиллари кирган эди) мажлисларининг стенографик ҳисоботлари бугунги кунда бу ишни бажарганлардан бирининг образли ибораси билан айтганда, «аҳолини миллий гуруҳларга ажратиш» муаммоларининг мураккаблиги ва ҳилма-ҳиллигига чинакам баҳо бериш имконини туғдиради. Агар ўзбек ва туркман кичик комиссияларининг вакиллари умуман битта нуқтаи назарда: чегараланиш асосида мустақил «миллий совет» республикалари ва автоном вилоятлари ташкил этилишини ёқлаган бўлсалар, Хоразм делегацияси Хоразм Республикасининг дахлсизлигини ҳимоя қилишда давом этди, қозоқ кичик комиссияси эса Ўрта Осиё совет республикалари федерациясини тўзиш ғоясини яна бир марта илгари сурди. Ўрта Осиё ҳудудини мўлжалланаётган миллий тузилмалар ўртасида чегараларга ажратиб олишда янада кўпроқ ҳилма-ҳиллик кўзга ташланди. Чегараланиш учун асос қилиб олинган икки принцип — миллий-ҳудудий ва иқтисодий принциплар Ўрта Осиёда мавжуд бўлган шароитга тўғри келмади. Ҳудудий комиссия аъзолари олдида ҳал этилиши қийин бўлган вазифаларни келтириб чиқарди, улар ўртасида норозилик ва келишмовчиликларни чуқурлаштирди, баъзида эса гадаги ва жиддий вазиятларни юзага келтирди²⁷.

Мажлис қатнашчилари таянч масалаларни илмий жиҳатдан янада чуқурроқ ўрганиб ўтирмасдан оддий овоз бериш йўли билан Ўрта Осиё федерацияси ташкил этилиши ғоясига (мажлисда бу ғояни С.Хўжанов асослаб берган ва ҳимоя қилган эди) қарши фикр билдириб, Ўзбекистон, Туркманистон республикалари ташкил этилиши ва уларнинг бевосита СССРга киришини, "Ўзбекистон Республикаси таркибида Тожикистон автоном вилояти ва Қозоғизистон автоном вилояти таркиб топишини ёқлаб

²⁷ Ўзбекистон ССР тарихи. Т.III. – Т., 1967, 370 бет.

чиқдилар.

Умуман олганда, РКП(б) МК, Ўрта Осиё бюросининг ҳудудий комиссияси мажлиси иштирокчилари миллий-ҳудудий чегараланиш масалалари етарли даражада тайёрланмаганлигини, бу масалалар тахминан ҳал этилганлигини, уларни илмий жиҳатдан асослаб бериш эҳтиёжи борлигини тушуниб етдилар, қўшимча материаллар, статистик маълумотлар жалб қилиш зарурлиги, тегишли ҳариталарга эга бўлиш кераклиги кўрсатиб ўтилди. Ана шуларга асосланиб, хусусан, янги тузилмаларнинг чегаралари ҳақидаги масалани қараб чиқиш қолдирилди.

Ҳудудий комиссия фаолиятининг натижалари Ўрта Осиё бюросида ва Ўрта Осиё коммунистик ташкилотлари раҳбар органларида муҳокама қилинди. 1924 йил 14 сентябрда ТКП МК, ТАССР МИК, ва Тафтиш комиссиясининг қўшма пленумида ҳудудий комиссиянинг иши тўғрисида комиссия раиси, ТКЛ МКнинг масъул котиби И.Варейкис маъруза қилди. Маърузанинг кириш қисмида унинг чегараланишни амалга оширишнинг чинакам механизмини очиб берадиган иккита мулоҳазаси эътиборни жалб қилади. У туғридан-туғри айтдики, «бу халқларнинг бахтига мазкур масала юзасидан ҳақиқатда бирдан-бир раҳбар бизнинг партиямиз ҳисобланади».

Маърузада ҳудудий комиссияда юзага келган ихтилофларга бирмунча эътибор берилди. Варейкис ўз маърузасида якунлаб берилган ҳудудий комиссия ишининг мазмунини таҳлил қилиб, миллий-ҳудудий чегараланиш сингари ғоят мураккаб масалага ёндашувда бирон-бир ишлаб чиқилган илмий услубнинг йўқлигини, бу ҳил айниқса жанжалли ҳудудларга дойир масалаларни ҳал қилишда кўзга ташланганлигини кўрсатиб ўтди. Ўрта Осиёдаги янги миллий тузилмалар ҳудудини ва чегараларини белгилашда партия раҳбарлиги ҳақиқатда реал қийинчиликларга дуч келди. Минтақадаги турли халқларнинг асрлар мобайнида қарор топган тарқоқ ҳолда (орасира) жойлашганлиги, уларнинг ҳўжалик, соф турмуш алоқалари фақат миллий жиҳатни эътироф қилишни эмас, шу билан бирга халқларнинг тарихий ривожланишини, ҳўжалик, маиший шарт-шароитлар каби омилларининг

худудларнинг иқтисодий яхлитлигини, уларнинг иқтисодий интилишини ва хоказоларни ҳисобга олишнинг аҳамиятли эканлигини кўрсатди. Бундай иш шак-шубҳасиз анча узоқ ва синчиклаб тайёргарлик кўришни, этнограф, иқтисодчи, тарихчи олимлар ва бошқаларнинг фикрларини ҳисобга олишни талаб қиларди. Ҳолбуки, улардан бирортаси ҳам ҳудудий комиссия таркибига киритилмаган эди, комиссия, юқорида айтибт ўтилганидек, фақат партия ходимларидангина ташкил топган эди.

ТКП МК,, Турк МИК, ва Тафтиш комиссиясининг кўшма пленуми Туркистон, Бухоро ва Хоразмнинг миллий-ҳудудий чегараланиши режасини умуман маъқуллади, ҳудудий комиссиянинг ва РКП(б) МК, Ўрта Осиё бюросининг қарорларини тасдиқлади ва мазкур режани қараб чиқиш ҳамда тасдиқлаш учун Туркменистоннинг Ҳавқулодда сессиясини чақириш ҳақида қарор қабул қилди²⁸.

Шу тариқа, бунга қадар фақат партия ораганлари томонидан қараб чиқилган, тайёрланган ва ўзил-кесил ҳал этилган масалани тасдиқлаш учун совет органларига беришга қарор қилинди. Бундан ташқари, ТКП МКнинг кўшма пленуми бу масалага дойир ўз резолюциясида «ишчилар ва деҳқонлар оммаси орасида кенг кампания очиш»ни таклиф қилди, чунки И.Варейкиснинг маърузасида таъкидлаб ўтилгандек: «Биз юқори органлар фикрига, партиянинг фикрига эгамиз, бироқ бизда бўлажак чегараланиш кенг деҳқонлар оммаси онгига қандай сингиши ҳақида аниқ тасаввур йук... Барча ўзил-кесил қарорлар қабул қилиб бўлингач, биз бутун аҳолини бу инқилобий ислохот билан таништириш юзасидан ғоят кенг кампания ўтказишимиз лозим бўлади». Варейкиснинг бу мулоҳазаси жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳақиқатдан ҳам, ўлка аҳолиси ўша вақтга қадар ўз тақдири учун ғоят аҳамиятли бўлган масалани муҳокама қилишдан бутунлай четлаштириб қўйилган эди.

Ташвиқот компанияси партия органларининг ва аввало РКП(б) МК, Ўрта Осиё бюросининг қатъий назоратида амалга оширилди. Ҳамма жойда вилоят

²⁸ Ўзбекистон тарихи. (1917-1993 йиллар). 9-синф учун дарслик. Т., 1994, 345-бет.

партия қўмиталари ҳузўрида вилоятларнинг масъул ходимларидан иборат таркибда компанияларни ўтказиш комиссиялари тузилди; йўл-йўрик берадиган мажлислар, партия йиғилишлари ўтказилди, компанияни ўтказиш режалари тайёрланди. Ташвиқот кампанияси жараёнида вилоят партия қўмиталарининг маълумотлари ТКП МК, ва РКП(б) МК, Ўрта Осиё бюросига юбориларди. Кампанияни ўтказишдаги қаттиқлик минтақа партия раҳбарияти орасида бирмунча ишончсизлик, хавфсираш борлигидан далолат берарди. Ҳақиқатдан ҳам, партия ячейкаларида муҳокама қилиш босқичида бу хавфсираш учун замин мавжудлигини тасдиқловчи жиҳатлар намоён бўлди. 1924 йил 31 августда РКП (б) МК, Ўрта Осиё бюроси Ўрта Осиё республикаларини чегаралаш юзасидан ўтказилаётган ташвиқот кампанияси тўғрисидаги директиваларни тўлдириш ва аниқлик киритиш ҳақидаги масалани кўриб чиқди. Мажлисида айрим ташкилотларда «миллий манфаатларни нотўғри тушунишдан келиб чиқиб, миллий хис-туйғулар авж олдирилмоқда, бунинг натижасида йўл қўйиб бўлмайдиган келишмовчиликлар, партиямизнинг миллий масаладаги сиёсий йўлини бўзиб кўрсатишлар вужудга келмоқда. Партиясиз оммани тарбиялаш ва ривожлантириш ўрнига бу омма миллатлараро кўрашга жалб қилинмоқда, сиёсий жиҳатдан бўзилмоқда», деб таъкидлаб ўтилган эди.

Ўрта Осиё бюроси ТКП, БКП ва ХКП Марказий Қўмиталарига маҳаллий партия ташкилотларига «чегараланиш бўйича ҳам оғзаки, ҳам ёзма ташвиқот кампанияси ўтказиш вақтида байналмилал коммунистик жиҳатларга қатъий амал қилиш ва чегараланиш вақтида айрим миллатлар ўртасида қандайдир масалада бўлмасин келиб чиқадиган миллий оғмачиликка йўл қўймаслик, чегараланиш масалаларини кўпчилик ўртасида муҳокама қилиш вақтида РКП(б) МК, ва Ўрта Осиё бюросининг Ўрта Осиё республикаларининг миллий чегараланиши тўғрисидаги қарорларига қатъий амал қилиш...» вазифасини юклашни таклиф этди.

Миллий-худудий чегараланиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилишни қатъий тартибга солишга ўрганиш ўз самараларини берди. Ўрта Осиё

республикалари партия раҳбарияти РКП (б) МК, Ўрта Осиё бюроси раҳбарлигида жиддий ларзалардан ҳоли бўлишга, партияли ва партиясиз оммадан миллий-худудий чегараланиш ҳамда янги республикалар ва автоном вилоятлар ташкил этиш бўйича партия режаларини маъқуллаш ва қўллаб-қувватлашга эришишга муваффақ бўлдилар.

2.2.O'zbekiston Sovet Sotsialistik Respublikasining tashkil topishi

1924 yil 15 sentyabrda Turkistonning navbatdan tashqari sessiyasi ish boshladi. Uning kun tartibida bitta masala: milliy-hududiy chegaralanish masalasi turardi. Mazkur masala yuzasidan Islomov ma'ruza qildi. Umuman, bu ma'ruza ilgari bosqichlarda ilgari surilgan barcha g'oyalar va qoidalarni yaqqol takrorlashdan iborat bo'ldi. Ma'ruzada milliy-hududiy chegaralanishni «millatlarning uz taqdirini o'zi belgilash prinsipi»ni to'liq amalga oshirish, yangi «milliy-davlat tuzilmalari»ni tashkil etish sifatida tushunish kerakligiga asos solindi. Shu bilan birga Islomov ma'ruzasida, milliy-hududiy chegaralanish, «xalqlarning xoxish-irodasini bildirish vaqti», degan tezis birinchi bor ochiq aytildi: «Turkiston xalqlari bilan birgalikda Buxoro va Xorazm xalqlari ham milliy chegaralanish to'g'risida o'z xoxish-irodasini bildirdilar. Ular ham barcha o'zbeklar, qirg'izlar va turkmanlarni yagona davlatga birlashtirish yo'li bilan qilingan tarixiy adolatsizlik oqibatlarini tuzatishga intilmoqdalar». Bu 1924 yil 16 sentyabrda Turkiston sessiyasining chegaralanish to'g'risida qabul qilgan qarorida o'z ifodasini topdi. Qarorda bunday deyilgan edi: «Sovet Ittifoqi xalqlari milliy munosabatlari va milliy tuzilishiga asoslangan prinsiplardan kelib chiqib, Turkiston Avtonom Sovet Sotsialistik Respublikasi ishchi va dehqonlar ommasining umumiy irodasiga asoslanib, TASSR Markaziy Ijroiya kumitasi qaror kiladi:

1. O'zbek xalqi ishchi va dehqonlar ommasining umumiy irodasini bajarish maqsadida o'zbek halqiga TASSR tarkibidan chiqish va mustaqil O'zbekiston Sovet Sotsialistik Respublikasini to'zish huquqi berilsin.

2. Turkman xalqi ishchi va dehqonlar ommasining ifodalangan umumiy irodasini bajarish uchun turkman xalqiga TASSR tarkibidan chiqish va mustaqil Turkmaniston Sovet Sotsialistik Respublikasini to'zish huquqi berilsin.

3. TASSRning qirg'iz (qozoq) viloyatlarini Qozog'iziston (Qozog'iston) Sovet Sotsialistik Respublikasi bilan birlashtirish maqsadida qirg'iz (qozoq) xalqi ishchi va dehqonlar ommasining ifodalangan umumiy istagini bajarish uchun qirg'iz (qozoq) halqiga TASSR tarkibidan chiqish huquqi berilsin.

4.Qora qirg'iz (qirg'iz) xalqi ishchi va dehqon ommasining ifodalangan umumiy xoxishini bajarish uchun qora qirg'iz (qirg'iz) xalqiga TASSR tarkibidan chiqish va Qora Qirg'iziston avtonom viloyatini tashkil etish huquqi berilsin.

5.Tojik xalqi ishchi va dehqonlar ommasining ifodalangan umumiy irodasini bajarish uchun tojik xalqiga TASSR tarkibidan chiqish va Tojikiston avtonom viloyatini tashkil etish huquqi berilsin.

6.Mazkur qaror Rossiya Sovet Federativ Sotsialistik Respublikasi Butunrossiya Markaziy Ijroiya Qo'mitasiga navbatdagi sessiyada ko'rib chiqish va tasdiqlash uchun kiritilsin».

Birmuncha keyinroq tojiklarning milliy o'z taqdirini o'zi belgilash shakli bir oz o'zgardi. 1924 yil 4 oktyabrdagi majlisda milliy-hududiy chegaralanish bo'yicha O'zbekiston byurosi shunday qaror qildi: Tojikiston komissiyasining Tojikiston Avtonom Respublikasi tashkil etish va uning O'zbekiston ittifoqdosh respublikasiga kirish to'g'risidagi qaroriga rozilik berilsin. Mana shu majlisning o'zida uzoq tortishuvdan keyin yana shunday qaror qilindi: Panjikent va O'rtepa tumanlarining Tojikiston tarkibiga kirishiga qarshilik qilinmasin.

20 sentyabrda Sovetlarning V Umumbuxoro qurultoyi bo'lib o'tdi. Unda qabul qilingan qarorda quyidagilar qayd qilingan edi:

«...Umumbuxoro qurultoyi Fayzulla Xo'jayevning O'rta Osiyoning milliy belgi bo'yicha chegaralanishi to'g'risidagi ma'ruzasi yuzasidan qaror qiladi:

a)Barcha millatlarning uz hayoti va taqdiri o'z qo'liga berilsin, buning uchun O'zbekiston respublikasi tashkil etilsin;

b)juda tez vaqt ichida O'rta Osiyo ahlisini sotsialistik hayotga jalb qilinsin;

v)iqtisodiy va xo'jalik asoslarida ularning ifodalangan istaklari amalga oshirilishi ta'minlansin;

g)avvalgi buyuk o'zbek madaniyatini tiklash maqsadida Turkiston Buxoro va Xorazmning o'zbek aholisi tarkibidan Buyuk O'zbekiston Sovet Sotsialistik Respublikasi tashkil etilsin, bu viloyatda yashovchi tojiklardan Tojikiston Avtonom viloyati tashkil etilsin.

IV.O'rta Osiyo viloyatlarida yashovchi kozoq-qirg'izlarning (qozoqlarning -

Tahririyat) teng huquqliligi e'tirof qilinadi. Qurultoy turkman xalqi manfaatlarini yo'lida Turkmaniston Respublikasi tashkil etilishini maqsadga muvofiq deb topadi.

V.O'zbekiston va Turkmaniston respublikalarining Sovet Sotsialistik Respublikasi Ittifoqi tarkibiga kirishi zarur deb hisoblansin».

1924 yil 29 sentyabr — 2 oktyabrda bo'lib o'tgan Sovetlarning Umumxorazm V qurultoyi ham milliy-davlat chegaralanishi to'g'risida qaror qabul qildi. Qurultoy qarori asosida Xorazmda yashovchi o'zbeklar, turkmanlar va qoraqalpoqlarga Xorazm Respublikasi tarkibidan ajralib chiqib, tegishli milliy respublikalar va muxtor viloyatlarga birlashish huquqi berildi²⁹.

1924 yil 14 oktyabrda RSFSR BMTK, II sessiyasi Turkiston Respublikasi BMTKning milliy-hududiy chegaralanish to'g'risidagi qarorini tojik xalqiga nisbatan ayrim o'zgarishlar bilan tasdiqladi. Tojik xalqiga Turkiston, sessiyasi va Umum-buxoro qurultoyi qarorida ko'rsatilganidek, O'zbekiston respublikasi tarkibida muxtor viloyat emas, balki Tojikiston Avtonom respublikasi tashkil etish huquqi berilishi maqsadga muvofiq ekanligini e'tirof qildi. Shu tarika BMTK sessiyasi qaroriga muvofiq O'rta Osiyoda O'zbekiston va Turkmaniston respublikalari, Tojikiston Avtonom respublikasi, Qoraqalpog'iston va Qozog'iston Avtonom viloyatlari tashkil topdi.

1924 yil 27 oktyabrda SSSR BMTK, II sessiyasi TASSR Markaziy Ijroiya Qo'mitasi, Sovetlarning Umumbuxoro V qurultoyi va Sovetlarning Umumxorazm V qurultoyi favqulodda sessiyasining milliy-hududiy chegaralanish va yangi respublikalar hamda viloyatlar tashkil etish to'g'risidagi iltimosini qondirdi va «mehnatkash xalqning erkin xoxishi qondirilishi eng yuqori qonundir», degan ifoda bilan tasdiqlangan SSSR BMTKning qarorida «SSSR BMTK Rayosatiga O'rta Osiyoda yangi tashkil etilayotgan respublikalarni ana shu respublikalar Sovetlar qurultoylari qarorlariga muvofiq rasmiylashtirishni amalga oshirish» vazifasi topshirildi.

Shunday qilib, 1924 yil sentyabr-oktyabrda milliy-hududiy chegaralanish

²⁹ Ahmad Zaki Validiy To'g'on. Bo'linganni bo'ri yer. T., 1997, 94-bet.

O'rta Osiyo respublikalari, Rossiya Federatsiyasi va SSSR Ittifoqi davlat hokimiyati yuqori organlari qarorlarida qonun yo'li bilan rasmiylashtirildi.

SSSR BMTK, II sessiyasi qaroridan keyin qisqa muddat ichida yangi tashkil topgan milliy tuzilmalarning hakikatda rasmiylashtirilishi amalga oshirildi. Turkiston Buxoro, Xorazm respublikalarining 1924 yil noyabrda bo'lib o'tgan maxsus sessiyalari uz-o'zini tarqatib yuborish to'g'risida qaror qabul qildilar. Yangi tashkil etilgan respublikalarda inqilobni qo'mitalar tuzilib, ular yangi respublikalar va muxtor viloyatlar ta'sis s'yezdlarini chaqirish yuzasidan tayyorgarlik ishlariga boshchilik qildilar³⁰.

1925 yil 13 fevralda Buxoroda O'zSSR Sovetlarining 1 s'yezdi ochildi. U 17 feralda «O'zbekiston Sovet Sotsialistik Respublikasining tashkil topishi to'g'risidagi deklaratsiya»ni qabul qildi. Deklaratsiya UzSSR tashkil topganligini qonunan rasmiylashtirdi va UzSSRning ixtiyoriy ravishda SSSR tarkibiga kirganligini e'lon qildi. Deklaratsiyada qayd qilib o'tilganidek, «shu kundan e'tiboran o'zbek xalqi hududida Toshkent, Samarqand, Farg'ona, Qashqadaryo, Zarafshon, Surxondaryo va Xorazm viloyatlarini o'z ichiga olgan bu xalq tarixida birinchi marta ishchi va dehqonlarning ittifoqdosh O'zbekiston Sovet Sotsialistik Respublikasi ta'sis etiladi, unga Tojikiston Avtonom SSR kiradi».

1925 yil 13 mayda SSR Ittifoql Sovetlarining III s'yezdi Turkmaniston va O'zbekiston respublikasining SSR Ittifoqi tarkibiga kirishi to'g'risida shu respublikalar «xalqlarining erkin xoxishi»ni inobatga olib tasdiqladi.

Shu tariqa, O'zbekiston ittifoqdosh respublikasining qonunan rasmiylashtirish jarayoni tugallandi va jahon haritasida SSSR tarkibidagi ittifoqdosh respublika bo'lgan O'zbekiston milliy sovet respublikasi paydo bo'ldi. Bu — ko'p millatli respublika edi: jami 8131062 kishidan iborat bo'lgan O'rta Osiyo aholisidan 3963285 kishi O'zbekiston Respublikasiga o'tdi, ulardan o'zbeklar 3381579 kishini, ya'ni respublika aholisining 3/4 qismini tashkil etardi. Haqiqatda, O'rta Osiyo hududida yashovchi barcha o'zbeklarning qariyb 90%i O'zbekiston SSR hududida edi.

³⁰ O'zbekiston SSR tarixi. T.III. – T., 1967, 368 bet.

Shunday qilib, 1924 yilning oxiri bol'shevizmning "O'rta Osiyoni milliy-hududiy chegaralash borasidagi siyosati amalga oshirilishi bilan nishonlandi. Bu bol'shevizmning asosiy mafko'raviy va siyosiy dushmani bo'lgan turkizmga qarshi ko'rash manfaatlari taqozosi bilan mohirona o'ylab topilgan harakat edi. Turkizm o'nlab yillar mobaynida chorizm va bol'shevizmning imperiyacha muddaolariga qarama-qarshi turishning hal qiluvchi omili, butun O'rta Osiyo mintaqasi miqyosida qudratli milliy-ozodlik harakatining asosiy birlashtiruvchi kuchi bo'lib qolgan edi.

Mintaqa xalqlariga majburan tiklashtirilgan bu siyosatni amalga oshirish uchun vaqt va mablag' bilan bir qatorda katta kuch-g'ayrat sarflash talab qilindi. Birinchi davrda — milliy chegaralanish g'oyasi paydo bo'lgan 1920 yildan 1924 yilgacha, uni amalda ro'yobga chiqarish boshlangan paytgacha, uning mafko'raviy, siyosiy, madaniy-ma'naviy asoslash va shundan keyingi harakatlar uchun zamin tayyorlash mexanizmi ishga tushirildi. «Yagona turkiy millat bo'lmaganidek, yagona turkiy madaniyati va yagona turkiy til ham yuq» degan shiorlar ostida to'rt yil mobaynida dastlab Turkiston, keyinroq Buxoro va Xorazm respublikalari xalqlari ongiga keng miqyosda tazyiq o'tkazildi, milliy o'xshash chizilmalarning shakllanish jarayonidagi integratsiya sun'iy ravishda jadalashtirildi. Ikkinchi davr, 1924 yilda bevosita milliy chegaralanish o'tkazildi, uni boshdan oxirigacha RKP(b) MK, rahbariyati va uning muxtor vakillari rahbarligida O'rta Osiyo partiya tashkilotlari amalga oshirdilar. Mahalliy xalqlarning xohish-irodasi mutlaqo hisobga olinmadi va ularni o'rganish mexanizmi ishlab chiqilmadi.

Xalqlarni milliy chegaralash g'oyalarini amalga oshirish bol'sheviklarning taktik ustamonligi bilan muvaffaqiyatli ro'yobga chiqarildi. Avvalo, bu g'oyaning dastlabki vazifasi hal etildi — turkiylar birligi mafko'rasiga va amaliyotiga sezilarli zarba berildi. Milliy tuzilmalar tashkil etilishi, ularga «milliy davlatchilik» maqomi berilishi bilan Markaz mintaqa xalqlarining diqqatini tashqi dushmandan (ular uchun tashqi dushman Markazning o'zi edi) ichki muammolarga yunaltirishga muvaffaq bo'ldi³¹.

³¹ O'zbekiston tarixi. (1917-1993 yillar). 9-sinf uchun darslik. T., 1994, 348-bet.

Lekin bu zng asosiysi bo'lib, bol'shiyeviklar bu harakat bilan o'zlarining strategik niyatlarida ham muhim yutuqlarni qo'lga kiritdilar. RSFSRning Turkiston Avtonom Respublikasi bilan bir qatorda milliy-hududiy chegaralanishiga huquqiy jihatdan mustaqil Buxoro va Xorazm respublikalarining ham jalb qilinishi, ularning qismlarga bo'linishi va ular asosida yangi milliy tuzilmalarning tashkil topishi, ularning SSSR tarkibiga kiritilishi natijasida O'rta Osiyoning bu ikki qadimgi davlati dunyoning siyosiy haritasidan butunlay yo'q qilindi. Shu tarifa, bol'sheviklar chorizmning imperiyachilik siyosatiga, uning «O'rta Osiyo mintaqasiga bo'lgan geopolitik da'volari»ga sadoqatlarini yana bir karra tasdiqladilar. Shu davrdan boshlab qadimiy Turkiston hududi bol'sheviklar davlatining ikki Yeiddirakli aravasiga mustahkam bog'lab qo'yildi.

O'rta Osiyo xalqlari uchun bu chegaralanish va tashkil etilgan yangi «milliy davlatchilik» ularning bundan keyingi taraqqiyotiga yangi nozik farqlar olib kirdi. O'rta Osiyo davlatchiligining ming yillik rivojlanish tarixiga putur yetkazildi. Hukmron sulolalarning tez-tez almashishiga, makon-hudud mezonlarining o'zgarishiga qaramay, O'rta Osiyo davlatchiligining asosini tashkil qilgan muxit — uning ahli tarixan turli etnik guruhlardan tashkil topganligi va uning tarqoq holda joylashganligi, uning o'ziga xos bo'lgan xo'jalik, maishiy, diniy, ma'naviy-madaniy hayotining mushtarakligi o'zgarmay qolaverardi. Har bir etnik guruh o'zining muayyan joyiga ega bo'lgani holda bu mushtaraklikning tarkibiy, o'zgarmas teng qiymatga ega bo'lgan qismi bo'lib turaverardi. Endi esa, ittifoqlash, muxtor respublikalar va viloyatlarning tashkil topishi bilan millatlarni farqlash, tabakalash joriy etildi. Bu farq faqat ularning tashkil topish maqomi bilangina emas, balki uning ichidagi mazkur tuzilmaga nom bergan etnosning nomi va «oz sonli millatlar» bilan ham yaqqol ko'zga tashlanar edi.

Shunday qilib, millatning bir qismi o'z ota-bobolari yerida yashab, mehnat qilsada, rasmiy ta'rifga ko'ra, «oz sonli millat»ga aylanib qolgan edi, bu esa ularning ongiga ta'sir qilmasdan qolmasdi, o'z huquqlarining qandaydir poymol qilinganligida deb tushunardilar, bu hol tuzilmalar ichidagi etnomilliy jarayonlarga shak-shubxasiz salbiy ta'sir ko'rsatardi. Vaziyatning murakkabligi «bo'lib

yuborilgan etnoslar» muammosi bilan yanada chuqurlashardi, chunki yangi milliy tuzilmalar «titulli» millatning asosiy qismini o'zida jamlagan bo'lsa-da, tarqoq holda joylashish tufayli ko'p etnik guruhlardan iborat jamiyat ham bo'lib qolgandi, ularning har birida o'xshash etnoslarning ma'lum qismi mavjud edi. Aslida, bol'sheviklar andozasidagi milliy-hududiy chegaralanish O'rta Osiyo xalqlari o'rtasidagi bo'lajak millatlararo munosabatlar jarayonlari ostiga ma'lum vaqtda portlaydigan mina qo'yish degan gap edi, ular favqulodda vaziyatlarda portlab, turli nizolar va keskin holatlar keltirib chiqarishi muqarrar edi.

Shu bilan birga, yangi tuzilmalarni O'rta Osiyo xalqlarining «milliy davlatchiligi» tashkil etilganligi sifatida baholash ham to'g'ri bo'lmasa kerak, chunki SSSR tarkibiga kirish va SSSRning tashkil topganligi haqidagi o'shrtnomaning imzolanishi, bu yerda RKP(b) MK O'rta Osiyo byurosining, O'rta Osiyo Iqtisodiy Kengashining va boshqa shunga o'xshash butunittifoq idoralarining saqlanishi bilan davlatga xos bo'lgan hokimiyat vazifalari va vakolatlarning barchasi Markaz ixtiyorida bo'lib qoldi. O'zbekiston Prezidenti I.A.Karimovning jonli iborasi bilan aytganda, O'rta Osiyoda tashkil qilingan bu tuzilmalar davlat bo'lib shakllanmagan (davlatga uxshash) tuzilmalar edi. Mazkur tuzilmalar suverenitet va mustaqillikdan batamom mahum edilar, ular aslida SSSRning ma'muriy-iqtisodiy rayonlari darajasiga tushirilgan bo'lib, tashkil etilayotgan vaqtlaridayoq ularga asosan Markazning manfaatlariga xizmat qilish, hom ashyo yetishtirish kabi vazifalar aniq qilib belgilab berilgan edi.

2.3.“O'rta Osiyo xalqlarining milliy-hududiy chegaralanishi” mavzusini o'qitish uslubi.

Keyingi yillarda mamlakatimizda uzluksiz ta'lim tizimida amalga oshirilayotgan islohatlarning asosini jahon ta'limi mazmunii o'rganish, ilg'or tajribalarni ommalashtirish hamda ta'lim va tarbiya jarayonida ham kam jismoniy kuch sarflab, yuksak samaradorlikka erishish yo'lida faoliyat olib borilmoqda. Mazkur faoliyat doirasida noan'naviy ta'lim uslubi sanaluvchi yangi pedagogik texnologiya nazariyasi mohiyatini chuqur o'rganish, bu boradagi bilimlar bilan

uzluksiz ta'lim tizimining barcha bosqichlarida faoliyat ko'rsatayotgan xodimlarni qurollantirish ularda ta'limni tashkil etishga nisbatan yangicha yondashuvni qaror toptirish borasida olib borilayotgan ishlar o'ziga xos ahamiyat kasb etadi.

Bu borada mamlakatimizda ko'pgina tadqiqotlar olib borilmoqda. Tadqiqotlarning asosiy maqsadi umumiy o'rta ta'lim maktablari o'quv tarbiya jarayoniga yangi pedagogik texnologiyalarni joriy etishning ilmiy-nazariy va amaliy asoslarini ishlab chiqish, ilgari surilayotgan g'oyalarning hayotiyligini amaliyotda sinovdan o'tkazish, tajriba ishlari natijalarini umumlashtirish, taxlil etish asosida amaliyotchi o'qituvchilar uchun ularning faoliyatlari samaradorligini oshirish uchun xizmat qiluvchi uslubiy qo'llanmani yaratishdan iborat³².

- O'quvchilarda "O'rta Osiyo xalqlarining milliy-hududiy chegaralanishi" mavzusiga qiziqishlarini orttirish, ularda yaxshi bilim va ko'nikmalarni shakllantirish, ularning dunyoqarashini zamon bilan hamnafas ohangda ushlab turish o'qituvchidan yuksak mahorat talab etadi.

- Yangi pedagogik texnologiya asosida biz tadqiq qilgan mavzuni o'qitish bolalarda tarixiy terminlarni yodda saqlab qolishga, mavzuni chuqur o'zlashtirishga, mavzuga o'sha davr nuqtai nazaridan turib holisona va adolatli baho berishga xizmat qiladi.

- Quyida "O'rta Osiyo xalqlarining milliy-hududiy chegaralanishi" mavzusi bo'yicha misolni beramiz:

- Mavzu: O'rta Osiyo xalqlarining milliy-hududiy chegaralanishi.
- Darsning maqsadi:
- 1924 yilda zo'raki o'tkazilgan milliy-hududiy chegaralanysh natijasida O'zbekistan SSR tashkil topishi.
- Mustabid tuzum O'zbekistonni Markaz tarkibidagi mustamlaka sifatida o'z iskanjasida doimiy saqlab qolishi.
- O'zbek xalqining milliy madaniy qadriyatlari, boy ma'naviy merosi, uning qadimiy ezgu an'ana va urf-odatlar.
- O'zbekiston hududida bunyod etilgan korxonalar.

³² Umumiy o'rta ta'lim Davlat ta'lim standartilari. T. 1999yil, 2-son, 86-bet.

O'zbekiston xalqlarining deyarli chorak kam bir asr mobaynida bosib o'tgan ancha murakkab va ziddiyatli tarixiy yo'li.

Dars materiallari va jihozlari:

1. "O'zbekiston tarixi" darsligi.
2. Doska, bo'r flomasterlar, qog'oz va vatman (agar bo'lsa).

Tarqatma materiallar:

1. Ilgari o'rganilgan va darsda o'rganiladigan mazvular bo'yicha yozilgan atamalar, terminlar.
2. Mavzu bo'yicha yozilgan test savollari.

Darsning blok chizmasi:

	Dars bosqichlari	Vaqt
.	Tashkiliy qism	3-minut
.	O'rganilgan mavzuni takrorlash	7-minut
.	Guruhlarda ishlash	10-minut
.	O'qituvchining atama va terminlarga izohi	7-minut
.	Blits-so'rov	1-minut
.	Dars yakunlarini chiqarish	3-minut
.	Uyga topshiriqlar	1-minut

1. Tashkiliy ishlar (2-minut)

Bunda o'qituvchi o'rganilayotgan mavzuni asosiy mazmunini e'lon qiladi.

2. O'rganilgan materialni takrorlash mavzu paragrafi savollari bo'yicha suhbat tarzida o'tkaziladi.

3. O'tilgan mavzu bo'yicha o'qituvchi tarqatma materiallarni oldindan berib qo'yadi va ularning javobi tinglanadi. Javob tinglangan paytda "o'zaro hurmat" prinsipiga asoslanadi.

4. O'qituvchi atama va terminlarga izoxlar berish bilan bir qatorda bu atama va terminlarning qaysi tildan kelib chiqqani va hozirgi davrda qo'llanilayotganligi yoki qo'llanilmayotganligini ham izohlab o'tadi.

5. O'qituvchi mavzuni mustahkamlash maqsadida guruhlariga bo'lib o'tilgan mavzui yuzasidan blits-so'rov o'tkazadi.

Blits-so'rov uchun namunaviy savollar:

RKP (b) MKning Tashkiliy byurosi o'zining 1924 yil 31 yanvardagi majlisida qanday masalalarni ko'rib chiqdi? - boshqa masalalar bilan bir qatorda Turkiston, Buxoro, Xorazm respublikalarining milliy-hududiy chegaralanishi to'g'risidagi masalani ham ko'rib chiqdi.

1920 yil 20 iyunda RKP(b) MK, Siyosiy byurosi majlisida Turkiston masalalari yuzasidan nechta qaror qabul qilingan? - to'rtta qaror

Nechanchi yilda o'zbek tili va grammatikasi bo'yicha birinchi o'lka s'yezdi o'tkazildi? -1922 yilda.

Turkistonning navbatdan tashqari sessiyasi qachon ish boshladi? - 1924 yil 15 sentyabrda.

Milliy chegaralanishni o'tkazish to'g'risidagi masala TKP MKning qaysi plenumida o'zil-kesil hal qilindi? - 1924 yil 23—24 martdagi.

-Blits-so'rovda ishtirok etgan o'quvchilarga baho qo'yiladi va yechimini topmagan savollar uyga vazifa bo'lib qoladi.

-Shundan so'ng o'qituvchi umumiy dars yakunini chiqaradi.

O'quvchilarning darsga qatnashuv foizi ham aniqlanadi, ya'ni qaysi o'quvchi necha marta javob berishga harakat qilganligi aniqlanadi.

-Uyga topshiriq:

1. Mavzuni o'rganib kelish.

2. Atama va terminlarni yod olish.

3. Mavzu yuzasidan savollar tayyorlab kelish.

Bunday interfaol dars o'tishda sinfdagi o'quvchilar yuz foiz darsga jalb qilinadi, shu bilan birga ularning nutq madaniyati ham faollashadi. O'quvchilarda "menimcha" degan alohida fikr mavjud bo'ladi. Mavzuni yoritishda barchaning qatnashishi dars samaradorligining oshirishga yordam beradi.³³

³³ N.Saidaxmedov. Yangi pedagogik texnologiyalar. T."2003. 79-bet.

Xulosa

Bol'sheviklar O'rta Osiyo mintaqasi xalqlarining ozodlik harakatiga chorizmga nisbatan kam bo'lmagan izchillik va murosasizlik bilan munosabatda bo'lib kelayotgan edilar. Ular imperiyachilik siyosatining chinakam vorislari sifatida Turkiston mustaqilligi uchun ko'tarilgan har qanday harakatni panislomizm va panturkizmning hiyla-nayranglari deb baholadilar. Panislomizm bilan pantyurkizm imperiyacha siyosat uchun xalqni qo'rqitadigan doimiy «olabujilar»ga aylantirilgandi. Ularni podsho hukmdorlari ham, bol'sheviklar rahbariyati ham musulmon aholini Rossiyadan uzoqlashtiradigan va Turkiya homiyligida birlashtirishga qaratilgan harakat deb hisoblardi. Sharqiy Rossiya xalqlarining uz kuch-g'ayratlarini islom dini va turkizm asosida birlashtirishga qaratilgan har qanday o'rinishlari tashqi kuchlarning «yagona va bo'linmas» Rossiyaga tajovuz qilishi deb baholanardi. Mintaqadagi milliy ozodlik harakatining barcha oqimlari xalqqarni jipslashtirish mafko'rasi sifatida turkizmning realligi va ta'sirchanligidan dalolat berardi. Uning shiorlarini mazkur harakatning ayrim bosqichlarida ishtirok etgan barcha ijtimoiy kuchlar, shu jumladan, Turkiston Muxtoriyati, milliy-demokratik harakat (jadidlar), istiqlolchilar harakati («bosmachilar» deb atalgan harakat) qo'llab-quvvatladi. Kommunistik harakat ham turkizm ta'siridan chetda qolmagan edi. Bol'sheviklarning milliy masaladagi siyosati mohiyatini ichdan bilgan, Rossiya bol'sheviklar rahbariyatining imperiyacha jizzakiligi amalda kuchayib borayotganligi va duch kelishi muqarrar bo'lgan bu real xavfga qarshi ko'rashni avj oldirishdan iborat qat'iy extiyojni xis qilgan mahalliy milliy-kommunistlar rahbarlari uchun turkizm uz Vatani ozodligi va mustaqilligi yo'lida birlashish mafko'rasi sifatida o'lgan imkoniyatlarga ega bo'lgan birdan-bir vosita bo'lib xizmat qilgan edi.

1920 yil sentyabrda Sovetlarning IX Umumturkiston s'yezdi TASSR Konstitutsiyasini tasdiqladi, uning loyihasini Turkkomissiya tayyorlagan edi. Konstitutsiyada aytilishicha, «Turkiston unda yashovchi asosiy xalqlarning, ya'ni: turkmanlar, o'zbeklar, va qirg'izlarning (qozoqlarning - Tahririyat) muxtor respublikasi deb e'tirof qilinib, asosiy milliy guruhlar, iqtisodiy va maishiy ukladi

bo'yicha viloyatlarga bo'linadi va RSFSRning Turkiston Avtonom Respublikasi degan nom bilan ataladi». Xullas, Turkiston aholisining bo'linishi, uning etnik nomi bo'yicha ma'muriy-hududiy, tuzilishi Konstitutsiya asosida mustahkamlandi, holbuki, O'rta Osiyolik xalqlar uchun birlashtiruvchi omil u vaqtda diniy va hududiy mansublik edi. Aynan hududiy, madaniy-diniy birlik ush vaqtda O'rta Osiyoda yashovchi xalqlar ongida va o'z nomida aks etgan bo'lib, «musulmon», «turkistonlik», «samarqandlik», «farg'onalik», «buxorolik», «xivalik» kabi nomlar bilan atab kelinar edi. Turli davrlarda qaror topgan O'rta Osiyo davlatlari, ularning ichki ma'muriy tuzilishi ham ana shu hududiy, madaniy, diniy umumiylikka asoslangan edi.

Turkistonning ma'muriy okruglarga qayta taqsimlanishi borasidagi amalga oshirilgan tadbirlar uning milliy tarkibi tufayli isyonchilik harakatida alohida aks-sado berdi. Turkistonning partiya rahbariyati 1920 yil ko'ziga kelib Farg'ona vodiysida isyonchilik harakatining ayniqsa keskin tus olganligini qayd qilib, uning asosiy sabablaridan biri «Turkiston mahalliy xalqlarining milliy o'z taqdirini o'zi belgilash to'g'risida»gi masalaning qo'yilishi ekanligini e'tirof qilishga majbur bo'ldi. Ana shu yillarda, ya'ni 1920 yil ko'zidan 1923 yilga qadar bu harakat o'ziga jalb qilingan ishtirokchilar ko'lami bo'yicha ham, ko'rashning shiddatli tus olganligi bo'yicha ham alohida miqyos kasb etdi. U Farg'ona vodiysidan keyin Samarqand viloyatini qamrab oldi. Buxoro va Xorazm respublikalariga ham yoyildi.

Milliy chegaralanishni o'tkazish to'g'risidagi masala TKP MKning 1924 yil 23—24 martda bo'lib o'tgan plenumida o'zil-kesil hal qilindi. Plenum milliy chegaralanish zarurligini e'tirof qilib, biroq uni faqat Turkiston Respublikasi doirasi bilan chekladi: uning hududida uchta milliy respublika — O'zbekiston, Turkmaniston va Qozog'iston respublikalarini tashkil etish mo'ljallandi. Shu bilan birga plenum TKP MKta Buxoro va Xorazmning partiya organlari bilan aloqa o'rnatish, hamda birgalikda O'rta Osiyoning milliy chegaralanishi to'g'risidagi masalani kelishib olishni topshirdi.

1924 yil 16 sentyabrda Turkiston sessiyasining chegaralanish to'g'risida qabul qilgan qarorida o'z ifodasini topdi. Qarorda bunday deyilgan edi: «Sovet Ittifoqi xalqlari milliy munosabatlari va milliy tuzilishiga asoslangan prinsiplardan kelib chiqib, Turkiston Avtonom Sovet Sotsialistik Respublikasi ishchi va dehqonlar ommasining umumiy irodasiga asoslanib, TASSR Markaziy Ijroiya kumitasi qaror kiladi:

1. O'zbek xalqi ishchi va dehqonlar ommasining umumiy irodasini bajarish maqsadida o'zbek halqiga TASSR tarkibidan chiqish va mustaqil O'zbekiston Sovet Sotsialistik Respublikasini to'zish huquqi berilsin.

2. Turkman xalqi ishchi va dehqonlar ommasining ifodalangan umumiy irodasini bajarish uchun turkman xalqiga TASSR tarkibidan chiqish va mustaqil Turkmaniston Sovet Sotsialistik Respublikasini to'zish huquqi berilsin.

3. TASSRning qirg'iz (qozoq) viloyatlarini Qozog'iziston (Qozog'iston) Sovet Sotsialistik Respublikasi bilan birlashtirish maqsadida qirg'iz (qozoq) xalqi ishchi va dehqonlar ommasining ifodalangan umumiy istagini bajarish uchun qirg'iz (qozoq) halqiga TASSR tarkibidan chiqish huquqi berilsin.

4.Qora qirg'iz (qirg'iz) xalqi ishchi va dehqon ommasining ifodalangan umumiy xoxishini bajarish uchun qora qirg'iz (qirg'iz) xalqiga TASSR tarkibidan chiqish va Qora Qirg'iziston avtonom viloyatini tashkil etish huquqi berilsin.

5.Tojik xalqi ishchi va dehqonlar ommasining ifodalangan umumiy irodasini bajarish uchun tojik xalqiga TASSR tarkibidan chiqish va Tojikiston avtonom viloyatini tashkil etish huquqi berilsin.

6.Mazkur qaror Rossiya Sovet Federativ Sotsialistik Respublikasi Butunrossiya Markaziy Ijroiya Qo'mitasiga navbatdagi sessiyada ko'rib chiqish va tasdiqlash uchun kiritilsin».

Birmuncha keyinroq tojiklarning milliy o'z taqdirini o'zi belgilash shakli bir oz o'zgardi. 1924 yil 4 oktyabrdagi majlisda milliy-hududiy chegaralanish bo'yicha O'zbekiston byurosi shunday qaror qildi: Tojikiston komissiyasining Tojikiston Avtonom Respublikasi tashkil etish va uning O'zbekiston ittifoqdosh respublikasiga kirish to'g'risidagi qaroriga rozilik berilsin. Mana shu majlisning

o'zida uzoq tortishuvdan keyin yana shunday qaror qilindi: Panjikent va O'ratega tumanlarining Tojikiston tarkibiga kirishiga qarshilik qilinmasin.

Shunday qilib, mustabid utmishning ayanchli tajribasi shundan yakdol dalolat beradiki, shuro tuzumining mustamlaka-chilik tabiati, uni zamonaviylashtirishga bo'lgan bar-cha o'rinishlarga karamasdan, «inkilobdan keyingi» dastlabki yillarda ham, shuningdek, sovet tarixining keyingi aynish davrlarida ham asosan o'zgarmasdan krlidi. Bu narsa imperiya davlatchiligi xususiyati bilan chambarchas bog'iliq edi. Mustaqil O'zbekistonning Prezidenti Islom Karimov ilmiy jihatdan aniq-ravshan ta'kidlab o'tganidek, «...sovet sotsialistik davlati halqimiz hayotiga chetdan zo'ravonlik bilan joriy etilgan edi. Bu davlatning shakli va mohiyati halqimizning ahloqiy, ma'naviy va ruhiy qadriyatlariga to'g'ri kelmaydigan, mos kelmaydigan tizimga asoslangan edi. Bu tuzum o'z halqining tarixini, uning ruhi va urf-odatlarini, o'z avlod-ajdodlarini bilmaydigan manqurtlarga tayanar edi. Shuning uchun ham eski sovet tuzumining bayroqlarida va shiorlarida bayon qilingan g'oyalar amaldagi ishlaridan nixryatda uzoq edi. Xuddi shu bois bu davlatning ijtimoiy tizimi bilan halq extiyojlari o'rtasida jarlik paydo bo'ldi».

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

- 1.Karimov I.A. “Yuksak ma’naviyat – yengilmas kuch”. T., “Ma’naviyat”, 2008, 173-bet.
- 2.Karimov I.A. “Vatan sajdagoh kabi muqaddas”. T., “O’zbekiston”.
- 3.Karimov I.A. O’zbekiston XXI asr bo’sag’asida: xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari. –T., 1997, 61-bet.
- 4.Ahmad Zaki Validiy To’g’on. Bo’linganni bo’ri yer. T., 1997.
- 5.A.Sa’diyev. “Tarix o’qitish metodikasi”. T.1983.
- 6.Mustabid tuzumning O’zbekiston milliy boyliklarini tiklash siyosati: tarix shohidligi va saboqlari. T., “Sharq”, 2000. 431-bet.
- 7.Markaziy Osiyo tarixi: manbashunoslik va tarixnavislik izlanishlari. 2-ilmiy to’plam. Toshkent Davlat sharqshunoslik instituti. 2010.
- 8.Sayidaxmedov N. Yangi pedagogik texnologiyalar. T. 2003.
- 9.Tursunov I.Y. O’zbekiston maorifchilarining istiqlol yo’lidagi kurashi arixidan (1917-1930 yillar): Tarix fanlari doktori... avtoreferati. –T., 1995, 27-bet.
- 10.O’zbekiston tarixi. (1917-1993 yillar). 9-sinf uchun darslik. T., 1994.
- 11.O’zbekiston Sovet mustamlakachiligi davrida. Ikkinchi kitob. T., “Sharq”, 2000.
- 12.O’zbekiston SSR tarixi. Qadimgi davrdan hozirgi kaungacha. T., 1974.
13. O’zbekiston SSR tarixi. T.III. – T., 1967.
- 14.G’oyibnazarov Sh. Ijtimoiy rivojlanish saboqlari. 20-yillar tahlili. 1994.
- 15.Xorazm tarixi. 2-jild. Urganch, 1997, 32-bet.
- 16.Yo’ldoshev I.G’, S.A.Usmonov. Pedagogik texnologiya asoslari. T, 2004